

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ АРХЕОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИ**

**МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ
ИШИ**

**МАВЗУ: ШИМОЛИ-ҒАРБИЙ ТОХАРИСТОННИНГ АНТИК ДАВРИ
ШАҲАРСОЗЛИГИ**

**ИЛМИЙ РАҲБАР: катта ўқитувчи Ибрагимов Р.З.
БАЖАРДИ: Бозоров З.Т**

Т О Ш К Е Н Т – 2 0 1 8

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	3-6
I.БОБ. Шимоли-ғарбий Тохаристоннинг антик даври	
ўрганилиш тарихи.....	7-18
1.1. Қадимги Тохаристон тарихига оид ёзма манбалар	
тавсифи.....	7-13
1.2. Антик даврига оид кўҳна шаҳар ёдгорликларининг ўрганилиш	
тарихи.....	14-18
II. БОБ. Шимоли-ғарбий Тохаристоннинг антик даври	
шаҳарсозлиги.....	19-42
2.1. Шимоли-ғарбий Тохаристоннинг эллин даври	
шаҳарсозлиги.....	19-25
2.2. Шимоли-ғарбий Тохаристоннинг кушон даври	
шаҳарсозлиги.....	26-42
Хулоса.....	43-44
Адабиётлар рўйхати.....	45-46
Илова.....	47-50

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги йилларида Ватанимиз тарихи ва маданиятини ўрганиш борасида талайгина амалий ишлар олиб борилди. Натижада Ватанимизнинг қадимий тарихи ва маданияти, айниқса, қадимги шаҳарларини ўрганиш борасида катта ютуқларга эришилди. Республикамиз президенти И.А.Каримов:-“Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб ўзликни англаш мумкин эмас”¹, деганларидек Ватанимизнинг таркибий қисми бўлган Сурхон воҳасининг қадимги археологик ёдгорликлари, хусусан, антик даври йирик шаҳар марказларидан бир бўлган Далварзинтепа каби ёдгорликларни ўрганиш аниқроғи унда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларини ўрганиб, келажакда Ватанимиз тарихи ва маданиятининг бир бўлаги бўлган шимолий Тохаристоннинг антик даври шаҳарлари тарихини тадқиқ этиш бўлажак мутахассисларнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, Ўрта Осиёда икки асрлик аҳамонийлар ҳукмронлигида кейин мил.ав. 327 йилдан бошлаб ўлка Искандар Зулқарнайн бошчилигидаги юнонлар ҳукмронлиги бошланиб, унинг давомида славкийлар таркибида бўлган. Мазкур сиёсий жараёнлар Шимолий Тохаристоннинг таркибий қисми бўлган Сурхон воҳасида чуқур кечади. Мил.ав. 250 йил юнон задогонларидан бўлган Диадот Тохаристонда мустақил сиёсат юргизиб, бу давлат мил. ав. 140/130 йилларда шимолдан силжиган юежилар сиқувида силжиган саклар тамонидан заифлаштирилиб, юежийлар томонидан Сурхон воҳаси ерлари батамом эгалланади.

Милоддан аввалги биринчи асрларда юежийлар иттифоқи асосида пайдо бўлган Кушонлар подшолиги кейинчалик милодий биринчи аср бошларида ташкил топган Кушон империяси дунё цивилизацияси тараққиётида жуда катта ўрин тутади. Шимолий Тохаристон ҳудудлари Македониялик Искандар босқинига қарши озодлик курашида ҳамда Юнон-Тохаристон давлатининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган бўлиб,

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, “Шарқ” нашриёти, 1998, 29 бет.

кейинчалик бу ҳудуд Кушон давлатининг ташкил топишида дастлабки ўзак вазифасини ўтаган. Шу боисдан Шимолий Тохаристоннинг қадимги тарихи ва маданиятининг атрофлича ўрганилиши ўзбек халқи давлатчилиги тарихини мукаммал ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг қадимги тарихидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнларни акс эттирувчи ёзма манбалар ва археология маълумотларини янги асосларда таҳлил этиб умумлаштириш нихоятда муҳимдир. Шимолий Тохаристон ҳудудларидан антик даврга оид кўп сонли археологик маълумотлар тўпланган.

XX асрдаги археологик тадқиқотларнинг натижалари, юнон-Тохаристон ва юечжи-кушонлар даври ёдгорликларининг ўрганилиши даражаси, топилган моддий манбалар таснифи айрим монография ва мақолаларда, илмий ишларда ўз аксини топган. Тўпланган маълумотларни тадқиқ этиш бугунги кунда муҳим ҳисобланади.

Шимолий Тохаристоннинг мил.авв. III - мил. IV асрларга оид тарихий ва сиёсий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда тараққиёт қонуниятларини ўрганиш долзарб аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги кунга қадар тўпланган маълумотларни, чоп этилган турли илмий ишларни дастлаб ҳар томонлама ва чуқур таҳлил этиб, киёсий солиштириб ҳамда умумлаштириб концептуал-услубий ёндошуви асосида ёритишни талаб этади. Ушбу масалаларни таҳлил қилиш танланган мавзунинг долзарблигини бегилайди.

Шимолий Тохаристонда илк темир ва антик даврир давомида Марказий Осиё халқларининг маданий тараққиётида муҳим ўрин тутган. Воҳа табиий географик жиҳатдан деҳқончилик ривож учун қулай бўлган. Бу заминда Ўзбекистонда энг қадимги шаҳарлар маданияти ва илк давлатчилик вужудга келиб, жадал ривожланган.

Шимолий Тохаристонда Ўзбекистондаги илк давлатчилик ва шаҳарсозлик маданияти дастлаб шаклланиб ривож топганлиги тўғрисида бронза асри ва илк темир даврига оид Сополлитепа, Жарқўтон, Кучуктепа,

Бандихон, Қизилтепа ва бошқа ёдгорликларда топиб текширилган археологик маълумотлар гувоҳлик беради.

Шаҳарсозлик маданияти Ватанимиз ҳудудида қадимдан шаклланиб, тарихий тараққиётнинг кейинги босқичларида уларнинг ҳудудий кенгайиб, шаҳарлар мураккаблашиб боради. Маълумки, қадимги давр маданий меросларимизга бўлган эътиборнинг намунаси сифатида Республикамиз биринчи президенти И.А.Каримов ташаббуслари билан Республикамиздаги бир неча шаҳарлар, хусусан, Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши, Бухоро, Термез, Хива, Марғилон, Тошкент ва бошқа шу каби шаҳарларнинг юбилеи кенг нишонланиб, Ватанимизнинг қадимги давр маданиятининг жаҳон цивилизацияси тарихида тутган ўрнини масалаларини белгилаб беришга асос бўлиб хизмат қилишини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Тохаристон, Кушон каби кўҳна давлатлар тарихи, Далварзинтепа, Кампиртепа, Зартепа қалъаси сингари ноёб ёдгорликлар бу ерда қадим замонларда ҳам юксак тараққиёт мавжуд бўлганини исботлайди.¹

Мавзуни ўрганишнинг мақсад ва вазифалари Шимолий Тохаристон ҳудудида мана шу сал кам бир аср давомида олиб борилган археологик қазишмалар давомида шунчалик бой материаллар тўпландики, уларни чуқур ўрганиш ва холисона ёритиш нафақат тадқиқотчи олимларнинг, балки бўлажак мутахассис бакалавр талабасининг келажақдаги муҳим вазифаси саналиб, ундан мазкур материалларни илмий таҳлил ва тадқиқ этиш ҳамда келажақда ватанимизнинг ҳаққоний тарихини ёритиш кўникмаларини эгаллаш вазифасини уддалаш талаб этилади.

Шунга кўра мавзуни ёритишнинг қуйидаги жиҳатлари вазифа қилиб белгиланган:

- Шимоли-ғарбий Тохаристоннинг антик даври археологик тадқиқотлари тарихини ёритиб бериш;

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халкимиз билан бирга қурамыз. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2017. –Б. 254-277.

- Шимоли-ғарбий Тохаристон ҳудудида амалга оширилган археологик казишмалар тарихини баёнини келтириш;
 - Шимоли-ғарбий Тохаристон ёдгорликларининг шаҳар сифатидаги аҳамиятини ёритиш;
 - Шимоли-ғарбий Тохаристоннинг антик даври шаҳарсозлигининг шаклланиши ва тараққиёт босқичларини ёритиб бериш;
 - Шимоли-ғарбий Тохаристоннинг шаҳар шаклидаги манзилгоҳларининг тузилиши ва шаҳар топографияси масалаларини ёритиш;
 - Шимоли-ғарбий Тохаристоннинг антик даври қурилиш ва меъморчилиги масалаларини очиб бериш;
 - Шимоли-ғарбий Тохаристоннинг антик даври ҳунармандчилик турлари ва уларнинг ишлаб чиқариши даражасини баён қилиш;
 - Шимоли-ғарбий Тохаристоннинг антик даври кулолчилик ишлаб чиқариши ва сополлар тавсифини бериш;
 - Шимоли-ғарбий Тохаристоннинг антик даври металл буюмларидан иборат моддий топилмалар тафсини баён қилиш;
- Малакавий битирув иши Кириш, икки боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмларидан ташкил топган.

I.БОБ. Шимоли-ғарбий Тохаристоннинг антик даври ўрганилиш тарихи

1.1. Қадимги Тохаристон тарихига оид ёзма манбалар тавсифи

Қадимги Тохаристон Амударёнинг юқори ҳавзасида, яъни Ўрта Осиёнинг жанубий-шарқида жойлашган йирик тарихий-маданий ўлка ҳисобланади. Қадимги юнон муаллифлари унинг шимолий чегарасини Амударё билан (Страбон, Птолемей), кейинги давр тадқиқотчилари археологик маълумотларга таяниб, унинг шимолий чегарасини Ҳисор тоғлари билан, жанубини эса, Ҳиндикуш тоғ тизмалари билан белгилайдилар

Бақтрия маданияти милoddан аввалги IV асрнинг 30-йилларида бошланган Александр Македонский истибдоди оқибатида инқирозга юз тутди. Македониялик Александр ва унинг лашкарбошилари воҳа аҳолисини бирма-бир қиличдан ўтказган десак муболаға бўлмайди. Вилоятдаги қадимги Тохаристон маданиятига оид 36 ёдгорликдан 33 таси босқинчилар ҳужуми туфайли ёндирилган ва вайронага айлантирилган.

Мил. авв. 330 йилда кўҳна дунёнинг энг йирик давлатларидаи бири ҳисобланган Аҳамонийлар салтанатини инқирозга дучор қилган македониялик Александр бошлиқ юнон-македон қўшинларининг Ўқуз (Окс) ва Яксарт оралиғидаги ерларни эгаллаш учун юриши бошланди. Уларга сўғдликлар, Бақтрияликлар ва сакларнинг қаттиқ қаршилиқ кўрсатишларига қарамасдан мил.авв. 327 йилда Окс ва Яксарт оралиғидаги катта бир қисмни эгаллаш билан тугайди. Бу санадан бошлаб Ўрта Осиёнинг баъзи бир вилоятлари каби Бақтрия ҳам македониялик Александр давлати таркибига киритилади.

Сурхондарё ҳудудида олиб борилган археологик изланиш натижалари Тохаристонликларни македониялик Александр юришлари даврида моҳир меъмор, уста ҳунарманд ва миришкор деҳқон сифатида қарашга имкон беради. " Бақтриянинг табиати бой ва турли-туман-, деб ёзган эди тарихчи Квинт Курций Руф. -Баъзи жойларда дарахтлар ва ток ҳаддан ташқари ширин мева беради. Унумдор ерларни кўплаб сув манбалари суғоради, юмшоқ тупроқли ерларга дон экилади, қолган жой яйлов сифатида қолдирилади".

Македониялик Александр юришлари арафасида Ахамонийлар салтанати таркибига 12-вилоят бўлиб кирган Тохаристоннинг бу давлатдаги мавқеи жуда катта бўлган. Бактриянинг иқтисодий имкониятларини Геродотнинг далилларида ҳам кузатиш мумкин. Бу ўлканинг Ахамонийлар салтанати ғазнасига тўлайдиган йиллик ўлпони 360 талант (10 тонна) кумушга тенг бўлган. Бактриялик зодагонларнинг бойлиги тўғрисида ҳозирда Буюк Британия музейида сақланаётган ўзининг таркибига 170 дан ортиқ олтин ва кумушдан тайёрланган "Амударё хазинаси"даги нодир буюмлар орқали фикр юритиш мумкин.

Эрон шаҳаншоҳлари Бактрияга ўзларининг шарқдаги асосий таянч кучи сифатида қарашган. Хусусан, Эрон шоҳи Доро III нинг македониялик Александрга қарши кураши жараёнида Бактрия сатрапи Бесс Бактриялар билан бирга сўғдликлар ва ҳиндулардан иборат лашкарга бошчилик этган. Шундай қилиб македониялик Александр хужуми арафасида: Тохаристон сиёсий, иқтисодий, маданий соҳада ривожланган ўлка сифатида маълум бўлган. Македониялик Александр юришларини мадҳ этган Курций Руф асарида Тохаристонда икки вилоят - Паретака ва Бубакена тилга олинган. Австриялик олим В.Томашек Паретака номини "қирғоқларини сув ювиб турган ўлка" деб изоҳлаган. Археология далилларида асосланиб тарихчилар Паретака вилоятини Шеробод воҳаси ва унга туташ тоғ олди ерларига жойлаштирадилар, Бубакена Боботоғнинг ҳар икки томонидаги ҳудудларни ўз таркибига олган деб, таъкидлайдилар. Македониялик Александрнинг қўшинлари Тохаристонда жуда қаттиқ қаршиликка дуч келдилар. Спитамен бошчилигидаги сўғдийлар ва Тохаристонликлар қўзғолонини бостириш учун македониялик Александр жуда шиддат кўрсатган. Антик давр муаллифлари Арриан ва Курций Руф маълумотларига кўра, бу кураш мил. авв. 328 йилнинг кузига ва 327 йилнинг баҳорига тўғри келади. Македониялик Александр ва унинг лашкарбошилари Кратер ва Поликерпон бошчилигидаги қўшинлар Тохаристонликлар қўзғолонини милoddан аввалги 327 йилда шафқатсизлик билан бостирганликларидан сўнг Тохаристон ўлкаси батамом македониялик

Александр давлати таркибига киритилади. Македониялик Александр вафотидан сўнг (мил. авв. 323 йил) Тохаристон мил.авв. IV асрнинг охиридан III асрнинг ўртасигача Салавкийлар давлати таркибида бўлади. Мил. авв. III асрнинг 50-йилларида Салавкийлар давлатидан Юнон- Бактрия ва Парфия ажралиб чиқади. Юнон-Тохаристон давлатининг асосий ўзагини Бактрия ўлкаси, яъни Сурхондарё, Жанубий Тожикистон ва Шимолий Афғонистон ҳудудлари ташкил этган. Бу подшоликнинг асосчиси Диодот бўлиб, унинг маркази қадимги Бактр (Балх) шаҳри ҳисобланган. Юнон-Тохаристон давлатининг энг йирик вакилларида бири Деметрий саналади. Подшо Деметрий даврида Юнон-Тохаристон давлати таркибига Шимолий Ҳиндистон ерлари ҳам қўшиб олинган. Баъзи бир мутахассисларнинг фикрига кўра, маълум бир давр оралиғида Сўғд ҳам Юнон - Бактрия подшолигига таркибида бўлган.¹

Подшо Гелиокл ҳукмронлиги даврида, яъни мил. авв. II асрнинг тўртинчи чорагида Юнон - Бактрия подшолиги Ўрта Осиёнинг шимолий вилоятларида ва Шарқий Туркистон ерларида истиқомат қилган кўчманчи қабилалар, жумладан юежи-тохарлар томонидан эгалланади.

Тарихий манбаларда Юнон-Бактрия подшолиги "минг шаҳарлар мамлакати" деб аталган. Минг шаҳар ибораси гарчи муболаға бўлса-да, лекин бу даврда ҳақиқатдан ҳам кўплаб шаҳарларга асос солинган ва шунингдек, ўлка иқтисодий, маданий жиҳатдан юксалган. Бу давр маданиятини шарҳлашда эллинизм ва эллин даври тушунчаси қўлланилади. Том маънодаги эллинизм бу илғор юнон маданиятининг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари халқлари маданий ютуқлари билан бирикуви ва ўзаро ҳамкорлик жараёнидир.

Салавкийлар ва айниқса, Юнон- Бактрия подшолиги даврига келиб воҳада янги қишлоқ ва шаҳарларга асос солинди. Бандихон воҳасида

¹ Сверчков Л.М. Курганзол – крепость Александра на юге Узбекистана. Ташкент, 2013, -С.34

истиқомат қилган аҳолининг бир гуруҳи Сурхондарёнинг қуйи қисмига келиб ўрнашган. Миршоди воҳасида яшаган аҳоли Далварзинтепа ўрнидаги шаҳарга асос солган. Шеробод воҳасида яшаган аҳолининг бир қисми Ангор воҳасига кўчиб, бу ерда Ойсаритепа, Хайрабодтепа ўрнидаги қишлоқларни бунёд этган. Шўроб, Кафтархона ва Паттакесар ерларида истиқомат қилган аҳоли Тармита (Термиз) га келиб ўрнашган.

Сурхондарёнинг Юнон- Бактрия даври шаҳар ва қишлоқлари ўзининг тузилиши ва уларда давом этган ҳаёт жараёнига кўра икки асосий гуруҳга бўлинади. Биринчи турдаги шаҳар ва қишлоқлар мил. авв. I минг йиллик ўрталарида вужудга келган бўлиб, Юнон-Бактрия даврида ҳам бу шаҳарларда ҳаёт давом этган. Таллашқон-II, Жондавлаттепа, Ҳайитобод, Эски Термиз шулар туркумидандир. Далварзинтепа, Кампиртепа сингари шаҳар ва қалъалар иккинчи гуруҳга оид. Буларнинг шаклланиши бевосита Юнон-Тохаристон подшолиги ҳукмронлигининг илк босқичида юз берган. Воҳанинг Юнон-Тохаристон даври маданияти Тармита, Далварзинтепа ва Кампиртепаларда ўтказилган қазилмалар орқали маълум. Оксдаги Александрия Эски Термизда, Пардагви (Пандахейон) Кампиртепа ўрнига локализация қилинади.

Шимолий Тохаристоннинг Юнон-Бактрия даври бадиий санъат намуналарининг кўпчилик қисмини терракот ҳайкалчалар, яъни мўъжаз санъат намуналари ташкил этади. Булар яланғоч қиёфада ёки товонларига тушган кийимлари ҳилпираб турган ҳайкалчалар ва шунингдек, аёл маъбуданинг тахтда ўтирган ҳолатдаги тасвирларидир. Кампиртепадан топилган бу гуруҳдаги маъбудалардан бирининг ўнг қўлида қуш, чап қўлида эса яланғоч бола тасвири бўлса, иккинчи бир маъбуданинг тиззасида эҳкисимон оёқли бола қиёфаси ишланган. Баъзи бир аёл ҳайкалчалари фил суяги ёки мрамор тошдан йўнилган бўлиб, ўзининг нафислиги ва юксак бадиийлиги билан ажралиб туради. Бу даврнинг баъзи бир терракот ҳайкалчаларида, мутахассисларнинг таърифича, бевосита Юнон-Тохаристон ҳукмдорларининг айнан қиёфаси акс эттирилган.

Юнон-Бақтрия подшолиги Шимолий Тохаристонда товар-пул муносабатларининг шаклланган давридир. Салавийлар ва айникса, Юнон-Тохаристон подшолари ангаларининг юза қисмида ҳукмдорларнинг - Диодот, Деметрий ва бошқаларнинг кўкрагига тасвири туширилган бўлиб, айнан портрет шаклидадир. Бу тангаларнинг орқа томонида юнон маъбудалари Зевс, Аполлон, Геракл ва шу кабиларнинг қиёфаси тасвирланган. Бу давр амалий санъатнинг кўпгина турлари, жумладан, ўймакорлик, шишасозлик ва айникса, кулолчиликнинг ҳам тараққий этган давридир. Шундай қилиб, Юнон-Бақтрия даврида юнонлар маданияти ва ерли халқ анъаналари бирикиб ўзига хос янги бир маданиятни юзага келди.

Хозирги кунда ўзбек-француз Тохаристон экспедицияси ходимлари томонидан кенг кўламда ўрганилаётган ёдгорликлардан бири бу Эски Термиз ёдгорлиги ҳисобланади. Қадимий Турон тарихини ва бу минтақа халқларининг маданий тараққиётини Термиз шаҳрининг тарихи ҳамда осори атиқаларисиз тасаввур қилиш қийин. Бу қадимий шаҳар ўз тараққиёти босқичида бир текисда ривожланмади, балки босқин, талон-торож ва ўзаро низолар майдонига айланди. Аммо шунга қарамасдан неча минг йиллар давомида ташқи душманга қарши мардона курашган ушбу шаҳар аҳолиси ўз ор-номусини сақлаб қолди.

Ўрта Осиёнинг азим дарёси Амударё соҳилида бир неча юз гектар майдонда ястаниб ётган Термиз ўрнидаги энг қадимги қишлоққа милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўртасида, яъни давримиздан икки ярим минг йил муқаддам асос солинган. Македониялик Искандар (Александр Македонский, 356-323) милоддан аввалги 329-327 йилларда Трансоксиания (Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ҳудуд)ни эгаллаш давомида даставвал Тармита (Термиз)нинг аҳоли яшаган қисмини мустаҳкам қалъа-шаҳарга айлантиради. Шундан сўнг бу шаҳар Окс бўйи (соҳили)даги Искандария ёки Оксдаги Искандария—Окс Искандарияси деб номланади. Айни шу даврдан бошлаб ҳарбий жиҳатдан муҳим жой, яъни Пайғамбар ороли орқали кечув, Бақтр (Балх) ва Мароқанд (Самарқанд) савдо йўлида жойлашган бу шаҳар

Ўрта Осиё ўлкалари иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллай бошлаган.

Термиз илк шаклланган давридаёқ бандар-порт шаҳри вазифасини ўтаган ва асрлар давомида шаҳарнинг худди шу хил тизими муайян равишда раванқ топиб, юксалиб боради. Милоднинг VI-VII асрларида Термизда ҳукмрон бўлган термизшоҳлар тангаларидаги рамзий белги қайиқ лангари ҳисобланган. IX аср ёзма манбаларида Термиз Мовароуннахрнинг йирик порт шаҳри сифатида таърифланади. Шу боис баъзи бир тарихчилар Термиз номини “дарё ёқасида жойлашган қалъа”, янада тўғрироғи “дарё соҳилидаги шаҳар” деб изоҳлаганлар. Термиз атамасига келсак, шаҳар номининг келиб чиқиши тўғрисида тарихчи, археолог ва тилшунос олимлар ўртасида ҳанузгача ягона фикр йўқ. Бир гуруҳ тадқиқотчилар Термизга македониялик Искандар (Александр Македонский) асос солган деб ҳисоблайдилар. Бу анъана эллинизм даври тарихчиси сицилиялик Диодор (90–21 йиллар) маълумотларига асосланган. Диодорнинг “Тарихий кутубхона” (бу асар кўпинча “Кутубхона” номида юритилади) асарида тилга олинган Окс бўйидаги Искандария ёки Оксдаги Искандария шаҳрини илк бор инглиз олими В.В. Тарн Эски Термиз ўрнида жойлаштирган эди.

Кўп йиллар давомида Эски Термиз ёдгорлигида қазув ишлари олиб бораётган археолог олим Ш. Пидаев айтиши В.В. Тарн фикрини қўллаб-қувватлайди. Европалик археологлар Ф.Грэнне ва К.Рапэнлар ҳам милодий I-II асрлар оралиғида яшаб ўтган таниқли географ олим Клавдий Птоломей (90–160) томонидан тузилган харитани қайта таҳлил этиб, айнан шу фикрга келдилар. Шаҳар яна Юнон подшоҳларидан Евкратид (баъзан Эвкратид, 167–155) шарафига Евкратидия ҳам деб аталган экан, аммо бу борада айрим баҳсу–мунозарлар мавжуд. Чунончи, тарихчи олимлардан В.В. Тарн ва К. В. Тревер Евкратидияни Эски Термиз ўрнида кўришса, австриялик олим В. Томашек эса шаҳарни Оксинг чап соҳили (Тошкўрғон, Қундуздарё ёки Хулм)дан ахтаради. Бу хил баҳсу–мунозаралар Антиохия Тармитаси номига ҳам дахлдор, гўё Антиох (Салавкининг ўғли) харобага айланган шаҳарни 295–

293 йиллар қайта тиклайди. Шундан шаҳарга шоҳ Антиох номи берилади, шаҳар Антиохия Тармитаси (баъзан Окс Антиохияси) деб номланади, ўтмишда шаҳарлар одатан Худолар, қавмлар ёки шоҳлар номи билан аталган. Қизиғи ҳар бир янги ҳукмрон ўзининг тасарруфидаги шаҳарларни ўз исмларининг номи билан аталишини хуш кўрган ва бу ғалати анъана баъзи мустасно ҳолатларни ҳисобга олмаганда, айтарлик узлуксиз давом этган. Кўринадики, бу хил ҳолат кўҳна шаҳримиз Термизнинг ҳам азал қисматига битилган ва мозий ҳукмига ҳавола этилган тарихий ёрлиқ эканлиги аён бўлади. Яна бир томони шундаки, В.В. Тарн ўз талқинларига ва илмий фаразларига содиқ қолган ҳолда Антиохия Тармитасини ҳам мутлақ, шубҳасиз, худди Эски Термиз ўрнида жойлаштирди.

Таниқли археолог М.Е. Массоннинг фикрига кўра, Термизга Юнон-Бактрия подшоси Деметрий (тахминан Юнон-Тохаристон тахтини милoddан аввалги 199-167 йилларда идора этган) асос солган. Биламизки, подшо Деметрий ва Евкратид 169–167 йиллар оралиғида ўзаро тахт учун кураш олиб борадилар, ушбу кураш иккинчи томон фойдасига ҳал бўлади. Ўз навбатида Термиз ёки Тармита атамаси М.Е. Массон фикрича, подшо Деметрий номининг Деметрий-Деметриата-Дармита тарзида ўзгартирилиб талаффуз этиш туфайли Тармита–Тармит–Термиз ҳосил бўлган. Эски Термиз ҳудудида амалга оширилган археологик тадқиқотлардан маълумки, бу шаҳар Юнон-Тохаристон давлати ҳукмдори Деметрий ҳукмронлигига қадар ҳам мавжуд эди. Бу шаҳарнинг илк бора ёзма манбада тилга олинишини тарихчи олимлардан К.Рапэн, Э.Бо, Ф.Грене, Ш.Раҳмоновлар милoddан аввалги 329 йилга оид деб таъкидлайдилар.

1.2. Антик даврига оид кўҳна шаҳар ёдгорликларининг ўрганилиш тарихи

Амударёнинг ўнг соҳили моддий маданияти XIX асрнинг охирларидан “Амударё хазинаси”, номи билан шуҳрат қозониб мил. ав. V-II асрларда Шимолий Тохаристон ҳунармандлари томонидан ишланган бой санъат намуналари топилмалари орқали маълум.¹

Шимоли-ғарбий Тохаристон, яъни Сурхон воҳасининг антик даври археологияси билан бевосита XX аср 20- йилларидан шуғулланишга киришилади. 1926-1928 йилларда Шарқ маданияти музейи экспедицияси Термиз шаҳри ва унинг атрофи ҳудудларида кидирувишларини олиб бориб, қунонлар даврига оид Зурмала ступаси текширилиб, тадқиқотчи IV-VII асрларга оид, деган хато хулоса келади.²

1932 йилда чегарачилар Айритом ёдгорлиги яқинида, қирғоққа яқин жойда Амударё тубидан қушонлар даврига оид муסיқачилар тасвири туширилган тош пештоқ намуналарини топилиши ва 1933 йилда эса ёдгорликда қазилма ишларининг олиб борилиши Сурхон воҳасининг антик даври маданиятини ўрганишдаги дастлабки қадам бўлган³.

Термиз шаҳри ва унинг атрофи ҳудудларини археологик ўрганишда 1936-1938 йилларда М.Е. Массон илмий раҳбарлигида Термиз археологик комплекс экспедицияси (ТАКЭ) нинг муҳим ўрин эгаллаб, кўҳна Термизнинг қушонлар даврига оид маданий қатлами аниқланади.⁴

Ўтган аср иккинчи ярмидан бошлаб Сурхон воҳасида археологик кидирув ишлари кенгайди. Ўлкада Л.И.Альбаум ва В.Д.Жуковлар археологик кидирув ва қисман қазилма ишларини амалга оширишади.⁵

1949 йил Л. М. Альбаум бошчилигидаги Сурхандарё археологлари гуруҳи Термиздан Сариосиёгача бўлган икки ҳафталик экспедицияда

¹ Зеймаль Е.В. Амударьинский клад. Л., 1979

² Культура Востока. М., 1927.

³ Массон М.Е. Находки фрагмента скульптурного карниза I в. н.э. // Известия Узкомстариса. – Т., 1933; он же. Скульптура Айртама // Искусство. – Т., 1935. - №2.

⁴ Массон М.Е. Работы Термезской археологической комплексной экспедиции (ТАКЭ) в 1937 и 1938 гг. Тр.ТАКЭ. Т.,1945

⁵ Альбаум Л.И. Некоторые данные по изучению Анхорский группы археологических памятников (1948-1949 гг).- ТИИААН Уз ССР, VII, Т, 1955; ўзи. Некоторые результаты изучения Анхорский группы археологических памятников 1953-1954 гг. Т., 1955; Жуков В.Д. Археологическая разведка на шахристане Хайрабадтепе. //ИМКУ № 2.Т., 1961.

Далварзинтепа харобаларини кўздан кечириб, дастлабки режалар тузган¹. Ундан кейин ёдгорлик тадқиқотчи олимлар бир неча йиллар Унинг эътибордан четда қолиб кетади ва 1959 йилдан қайта жонланади. 60-йиллардаги мақоласида Далварзинтепадан VI-VII асрларга оид бир нечта ёмон сақланган тангалар ва керамикалар фрагментлари топилгани, балки уларнинг ишлаб чиқарилган даври кушонлар империяси даврига тегишли бўлиши мумкинлиги тўғрисида ёзилган.

Ўтган асрнинг 60-йилларда Денов шаҳридан шимолий-шарқда жойлашган антик даври юксак маданияти намуналаридан дарак берувчи Холчаён ёдгорлигида археологик тадқиқот ишлари амалга оширилиб, кушонлар даври бой маданияти намуналарини акс эттирган саройнинг ўрни очиб ўрганилади². Унинг деворларида бир неча отлик ва юнон худолари Афина, Геракл ва Никаларнинг кўчманчиларга хос белгиларда акс эттирилган шаклларида иборат ранг-тасвир наъмуналаридан ташкил топган³

1960 йил В. А. Нильсон ва А. В. Шукуровлар Далварзинтепанинг топографик тархини олиш ишларини бажарадилар. 1961 йил Л. И. Альбаум гуруҳи шаҳар деворини тозалашни жануби-ғарбий бурчакдан бошлашади. Бу ердан иккита яширин каналлар топилиб, уларга стратиграфик шурф ташланади⁴.

1961 йилдан бошлаб Б.Я.Ставиский томонидан Термиз шаҳридан ғарбда жойлашган кушонлар даври будда ибодатхонасида қазишма ишлари бошланади. Бир неча йиллар давомида амалга оширилган қазишмалар натижасида ғорсимон будда ибодатхонаси аниқланиб, ибодат, яшаш ва хўжалик қисмларидан ташкил топган хоналар очилади. Ибодатхона кўра шаклида қурилган бўлиб, ибодатхона тўғри тўртбурчак ўлчамда қурилган бўлиб пастки қисми ғорсимон иншоатдан иборат. Унинг устида ер усти қурилиши барпо қилинган. Ибодатхона деворлари будда ҳаётидан

¹ Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. и др. Далварзинтепа-Кушанский город на юга Узбекистана. Т., 1978 г. С. 5.

² Пугаченкова Г.А. Халчаян. Т., 1966, С.40.

³ Пидаев. Р.Ш. Сирли кушонлар салтанати. Тошкент. Фан. 1991. С. 12

⁴ Альбаум Л.И. Городище Далварзин-тепе. Т., 1966.С. 47

наъмуналар келтирилган бой мазмундаги тасвирлар келтирилган ва тоқчаларда будда ҳайкаллари қўйилган. Ибодатхонанинг ҳовлисида одатдагидек ступа ўрин олган¹. Асримиз бошларида Қоратепа ёдгорлигида Ш.Р. Пидаев раҳбарлигидаги Ўзбек-япон қўшма илмий экспедицияси тадқиқот ишларини олиб боради

1962-1963 йилларда санъатшунослик институти экспедицияси аъзолари В. А. Турғунов билан Д. Н. Дидировалар Далварзинтепанинг шаклланган даврини аниқлаш мақсадида шахристоннинг марказий қисмида стратиграфик шурф ташлайди².

1967 йил март ойидан бошлаб манзилгоҳнинг эса шахристонда қазишмалар кенг қўламда олиб борила бошлайди. 1968 йилдан бошлаб ёдгорликни ўрганишга Хамза номидаги Санъатшунослик институти Г.А.Пугаченкова илмий раҳбарлигида тадқиқотчи олимлари ўрганишга киришдилар. Г. А. Пугаченкованинг Дт-1, Дт-3, Дт -4, Дт-9, Дт-11 қазишма объектлардаги қазиш ишларини олиб борган бўлса, экспедиция ёрдамчиси Б.А. Турғунов Дтц-1, Дт-1, Дт-2, Дт-6, Дт-12 қазишма объектларида, Э.В.Ртвеладзе Дтц-1, Дтц-2, Дт-7, Дт-9, Дт-13, Дт-14 даги объектларда, Т.В. Беляева Дт-5 даги объектларда қазиш ишларини олиб боришиб уларга раҳбарлик қилганлар.

1968-1973 йилларда Л.И.Альбаум тоонидан Кўҳна Термизнинг шимолий қисмида жойлашган бошқа бир ибодатхона Фаёзтепа ёдгорлигида қазишма ишларини олиб бориб, Будда динининг “вихара” туридаги ибодатхонасининг ўрнини очиб ўрганишга мувоффақ бўлади. Ибодатхона одатда уч қисмдан иборат бўлиб, ҳовли қисмида ступа жойлашган³.

¹ Ставиский.Б.Я. Основные итоги раскопок Кара-тепе в 1961-1962 гг.// Кара-тепе-буддийский пещерный монастырь в Старом Термезе. М.1964., он же. О датировке ранних слоев Тали-Барзу.-СА, 2. 1967., он же. Основные итоги раскопок Кара-тепе в 1961-1962 гг.// Буддийская пещера Кара-тепе в Старом Термезе. М.1969.

² Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. и др. Далварзинтепа-Кушанский город на юга Узбекистана. Т.,1978 г. С.6.

³ Альбаум Л.И. Раскопки буддийского комплекса Фаёзтепе (по материалам 1968-1972 гг.). //Древняя Бактрия. Л., 1973, С.25.; он же.Исследование Фаёзтепе в 1973 г. //Бактрийской древности. Л., 1976, С.52.

Далварзинтепа ёдгорлигида Г.А.Пугаченкова бошчилигидаги санъатшунослик экспедицияси кенг камровли тадқиқот ишлари қизғин давом 70-йилларда Сурхон воҳасининг бошқа бир ҳудуди, Ангор туманидаги ЗКушон даврининг йирик шаҳар марказларидан бири бўлган Зартепада ёдгорлигида В.А. Завьялов томонидан қазилма ишлари амалга оширилади. Умумий майдони 17 га. ни ташкил этган ушбу шаҳар олдиндан режалаштирилган лойиҳа асосида барпо қилиниб, атрофи ярим айлана буржлар билан кучайтирилган муҳофаза деворига эга бўлган. Шаҳарнинг асосий кўчаси бўйлаб уй-жой иморатлари жойлашган. Шунингдек Зартепанинг шарқий томонидан буддавийлик ибодатхонасининг ўрни очиб ўрганилган¹.

90-йилларда Кўҳна Термизда олиб борилган қазилмалар давомида кушонлар даври маданий қатламлари ҳам ўрганилади. Бу даврда шаҳар майдони хийла кенгайиб, йирик маданий ва савдо-иқтисодий марказга айланади. Айниқса, буддизм дунёсида катта мақеига эга бўлган диний марказ бўлганлиги тўғрисида ёзма манба маълумотларидан ташқари унинг атрофида жойлашган ибодатхоналар ва ступалар тўлиқ гувоҳ бўлиш мумкин.²

Термиздан ғарбда Амударёнинг ўнг соҳалида жойлашган Кофирқалъа (Кампиртепа) ёдгорлигида Ўзбекистон Бадий Академияси санъатшунослик институти илмий экспедицияси узоқ йиллар давомида қазилма ишларини амалга оширади. Манзилгоҳ уч қисмдан ташкил топган антик даврининг дарё кечивудаги қалъа қўрғонидан иборат бўлиб, антик даври ёзма манбаларида қайд этилган Пардагви шаҳри билан қиёсланади³.

Ҳозирга қадар олиб борилган қазилма натижаларида тўпланган бой моддий маданият намуналари Сурхон воҳасининг антик даври, айниқса, кушонлар даври бой маданияти, хусусан, қадимги шаҳарлари, диний иншоотларини ўрганиш учун бой археологик маълумотлар тақдим этиб, уша давр тарихи ва маданиятини ёритиб беришга асос бўлиб хизмат қилди.

¹ Завьялов В.А. Зартепинский археологический комплекс позднекушанского времени. //Античная культура Средней Азии и Казахстана. ТД. Т., 1979

² Пидаев Ш.Р. Эски Термиз. Т., 2002

³ Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. Т.,1986, 36 бет

II. БОБ. Шимоли-ғарбий Тохаристоннинг антик даври шаҳарсозлиги

2.1 Шимоли-ғарбий Тохаристоннинг эллин даври шаҳарсозлиги

Шимолий-ғарбий Тохаристон қадимги давр юксак даражада ривожланган қадимги давр шаҳарсозлик маданияти милоддан аввалги IV асрнинг 30-йилларида бошланган Александр Македонский истибдоди оқибатида инқирозга юз тутди. Македониялик Александр ва унинг лашкарбошилари воҳа аҳолисини бирма-бир қиличдан ўтказган десак муболаға бўлмайди.

Мил. авв. 330 йилда шарқнинг энг йирик давлатларида бири ҳисобланган Аҳамонийлар империясини инқирозга дучор қилган македониялик Александр бошлиқ юнон-македон қўшинларининг Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ерларни эгаллаш учун юриши бошланди. Уларга сўғдиликлар, Тохаристонликлар ва сакларнинг қаттиқ қаршилиқ кўрсатишларига қарамасдан мил.авв. 327 йилда Окс ва Яксарт оралиғидаги катта бир қисмни эгаллаш билан тугайди. Бу санадан бошлаб Ўрта Осиёнинг баъзи бир вилоятлари каби Бактрия ҳам македониялик Александр давлати таркибига киритилади.

Сурхондарё ҳудудида олиб борилган археологик изланиш натижалари Тохаристонликларни македониялик Александр юришлари даврида моҳир меъмор, уста ҳунарманд ва миришкор деҳқон сифатида қарашга имкон беради. "Тохаристоннинг табиати бой ва турли-туман-, деб ёзган эди тарихчи Квинт Курций Руф. -Баъзи жойларда дарахтлар ва ток ҳаддан ташқари ширин мева беради. Унумдор ерларни кўплаб сув манбалари суғоради, юмшоқ тупроқли ерларга дон экилади, қолган жой яйлов сифатида қолдирилади". Македониялик Александр юришлари арафасида Аҳамонийлар салтанати таркибига 12-вилоят бўлиб кирган Бактриянинг бу давлатдаги мавқеи жуда катта бўлган. Тохаристоннинг иқтисодий имкониятларини Геродотнинг далилларида ҳам кузатиш мумкин. Бу ўлканинг Аҳамонийлар салтанати

ғазнасиға тўлайдиган йиллик ўлпони 360 талант (10 тонна) кумушға тенг бўлган. Тохаристонлик зодагонларнинг бойлиги тўғрисида ҳозирда Буюк Британия музейида сақланаётган ўзининг таркибига 170 дан ортиқ олтин ва кумушдан тайёрланган "Амударё хазинаси"даги нодир буюмлар орқали фикр юритиш мумкин. Эрон шаҳаншоҳлари Бактрияға ўзларининг шарқдаги асосий таянч кучи сифатида қарашган. Хусусан, Эрон шоҳи Доро III нинг македониялик Александрға қарши кураши жараёнида Тохаристон сатрапи Бесс бактрияликлар билан бирға сўғдликлар ва ҳиндулардан иборат лашкарга бошчилиқ этган. Шундай қилиб македониялик Александр ҳужуми арафасида: Тохаристон сиёсий, иқтисодий, маданий соҳада ривожланган ўлка сифатида маълум бўлган. Македониялик Александр юришларини мадҳ этган Курций Руф асарида Бактрияда икки вилоят - Паретака ва Бубакена тилға олинган. Австриялик олим В.Томашек Паретака номини "қирғоқларини сув юғиб турган ўлка" деб изоҳлаган. Археология далилларига асосланиб тарихчилар Паретака вилоятини Шеробод воҳаси ва унга туташ тоғ олди ерларига жойлаштирсалар, Бубакена Боботоғнинг ҳар икки томонидаги ҳудудларни ўз таркибига олган деб, таъкидлайдилар. Македониялик Александрнинг кўшинлари Бактрияда жуда қаттиқ қаршилиққа дуч келдилар. Спитамен бошчилигидаги сўғдийлар ва Тохаристонликлар қўзғолонини бостириш учун македониялик Александр жуда шиддат кўрсатган. Антик давр муаллифлари Арриан ва Курций Руф маълумотларига кўра, бу кураш мил. авв. 328 йилнинг кузига ва 327 йилнинг баҳорига тўғри келади. Македониялик Александр ва унинг лашкарбошилари Кратер ва Поликерпон бошчилигидаги кўшинлар Тохаристонликлар қўзғолонини милoddан аввалги 327 йилда шафқатсизлик билан бостирганликларидан сўнг Тохаристон ўлкаси батамом македониялик Александр давлати таркибига киритилади. Македониялик Александр вафотидан сўнг (мил. авв. 323 йил) Бактрияда мил.авв.IV асрнинг охиридан III асрнинг ўртасигача Салавкийлар давлати таркибида бўлади. Мил. авв. III асрнинг 50-йилларида Салавкийлар давлатидан Юнон-Бактрия ва Парфия ажралиб чиқади. Юнон-Бактрия давлатининг асосий ўзагини Бактрия ўлкаси,

яъни Сурхондарё, Жанубий Тожикистон ва Шимолий Афғонистон ҳудудлари ташкил этган. Бу подшоликнинг асосчиси Диодот бўлиб, унинг маркази қадимги Бактр (Балх) шаҳри ҳисобланган. Юнон-Бактрия давлатининг энг йирик вакилларида бири Деметрий саналади. Подшо Деметрий даврида Юнон-Тохаристон давлати таркибига Шимолий Ҳиндистон ерлари ҳам қўшиб олинган. Баъзи бир мутахассисларнинг фикрига кўра, маълум бир давр оралиғида Сўғд ҳам Юнон - Бактрия подшолигига таркибида бўлган. Подшо Гелиокл ҳукмронлиги даврида, яъни мил. авв. II асрнинг тўртинчи чорағида Юнон-Бактрия подшолиги Ўрта Осиёнинг шимолий вилоятларида ва Шарқий Туркистон ерларида истиқомат қилган кўчманчи қабилалар, жумладан юежи-тохарлар томонидан эгалланади.

Тарихий манбаларда Юнон-Бактрия подшолиги "минг шаҳарлар мамлакати" деб аталган. Минг шаҳар ибораси гарчи муболаға бўлса-да, лекин бу даврда ҳақиқатдан ҳам кўплаб шаҳарларга асос солинган ва шунингдек, ўлка иқтисодий, маданий жиҳатдан юксалган. Бу давр маданиятини шарҳлашда эллинизм ва эллин даври тушунчаси қўлланилади. Том маънодаги эллинизм бу илғор юнон маданиятининг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари халқлари маданий ютуқлари билан бирикуви ва ўзаро ҳамкорлик жараёнидир.

Салавкийлар ва айниқса, Юнон-Бактрия подшолиги даврига келиб воҳада янги қишлоқ ва шаҳарларга асос солинди. Бандихон воҳасида истиқомат қилган аҳолининг бир гуруҳи Сурхондарёнинг қуйи қисмига келиб ўрнашган. Миршоди воҳасида яшаган аҳоли Далварзинтепа ўрнидаги шаҳарга асос солган. Шеробод воҳасида яшаган аҳолининг бир қисми Ангор воҳасига кўчиб, бу ерда Ойсаритепа, Хайрабодтепа ўрнидаги қишлоқларни бунёд этган. Шўроб, Кафтархона ва Паттакесар ерларида истиқомат қилган аҳоли Тармита (Термиз) га келиб ўрнашган.

Сурхондарёнинг Юнон-Бактрия даври шаҳар ва қишлоқлари ўзининг тузилиши ва уларда давом этган ҳаёт жараёнига кўра икки асосий гуруҳга бўлинади. Биринчи турдаги шаҳар ва қишлоқлар мил. авв. I минг йиллик

ўрталарида вужудга келган бўлиб, Юнон-Бақтрия даврида ҳам бу шаҳарларда ҳаёт давом этган. Таллашқон-II, Жондавлаттепа, Ҳайитобод, Эски Термиз шулар туркумидандир. Далварзинтепа, Кампиртепа сингари шаҳар ва қалъалар иккинчи гуруҳга оид. Буларнинг шаклланиши бевосита Юнон-Тохаристон подшолиги ҳукмронлигининг илк босқичида юз берган. Воҳанинг Юнон-Бақтрия даври маданияти Тармита, Далварзинтепа ва Кампиртепаларда ўтказилган қазилмалар орқали маълум. Оксдаги Александрия Эски Термизда, Пардагви (Пандахейон) Кампиртепа ўрнига локализация қилинади.

Шимолий Тохаристоннинг Юнон-Бақтрия даври бадиий санъат намуналарининг кўпчилик қисмини терракот ҳайкалчалар, яъни мўъжаз санъат намуналари ташкил этади. Булар яланғоч қиёфада ёки товларига тушган кийимлари ҳилпираб турган ҳайкалчалар ва шунингдек, аёл маъбуданинг тахтада ўтирган ҳолатдаги тасвирларидир. Кампиртепадан топилган бу гуруҳдаги маъбудалардан бирининг ўнг қўлида қуш, чап қўлида эса яланғоч бола тасвири бўлса, иккинчи бир маъбуданинг тиззасида эчкисимон оёқли бола қиёфаси ишланган. Баъзи бир аёл ҳайкалчалари фил суяги ёки мрамор тошдан йўнилган бўлиб, ўзининг нафислиги ва юксак бадиийлиги билан ажралиб туради. Бу даврнинг баъзи бир терракот ҳайкалчаларида, мутахассисларнинг таърифича, бевосита Юнон-Тохаристон ҳукмдорларининг айнан қиёфаси акс эттирилган.

Юнон-Бақтрия подшолиги Шимолий Бақтрияда товар-пул муносабатларининг шаклланган давридир. Салавкийлар ва айниқса, Юнон-Тохаристон подшолари ангаларининг юза қисмида ҳукмдорларнинг - Диодот, Деметрий ва бошқаларнинг кўкрагигача тасвири туширилган бўлиб, айнан портрет шаклидадир. Бу тангаларнинг орқа томонида юнон маъбудалари Зевс, Аполлон, Геракл ва шу қабиларнинг қиёфаси тасвирланган. Бу давр амалий санъатнинг кўпгина турлари, жумладан, ўймакорлик, шишасозлик ва айниқса, кулолчиликнинг ҳам тараққий этган давридир.

Шундай қилиб, Юнон-Бақҗрия даврида юнонлар маданияти ва ерли халқ анъаналари бирикиб ўзига хос янги бир маданиятни юзага келди.

Хозирги кунда ўзбек-француз Тохаристон экспедицияси ходимлари томонидан кенг кўламда ўрганилаётган ёдгорликлардан бири бу Эски Термиз ёдгорлиги ҳисобланади. Қадимий Турон тарихини ва бу минтақа халқларининг маданий тараққиётини Термиз шаҳрининг тарихи ҳамда осори атиқаларисиз тасаввур қилиш қийин. Бу қадимий шаҳар ўз тараққиёти босқичида бир текисда ривожланмади, балки босқин, талон-торож ва ўзаро низолар майдонига айланди. Аммо шунга қарамасдан неча минг йиллар давомида ташқи душманга қарши мардона курашган ушбу шаҳар аҳолиси ўз ор-номусини сақлаб қолди.

Ўрта Осиёнинг азим дарёси Амударё соҳилида бир неча юз гектар майдонда ястаниб ётган Термиз ўрнидаги энг қадимги қишлоққа милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўртасида, яъни давримиздан икки ярим минг йил муқаддам асос солинган. Македониялик Искандар (Александр Македонский, 356-323) милоддан аввалги 329-327 йилларда Трансоксиания (Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ҳудуд)ни эгаллаш давомида даставвал Тармита (Термиз)нинг аҳоли яшаган қисмини мустаҳкам қалъа-шаҳарга айлантиради. Шундан сўнг бу шаҳар Окс бўйи (соҳили)даги Искандария ёки Оксдаги Искандария–Окс Искандарияси деб номланади. Айни шу даврдан бошлаб ҳарбий жиҳатдан муҳим жой, яъни Пайғамбар ороли орқали кечув, Бақтр (Балх) ва Мароқанд (Самарқанд) савдо йўлида жойлашган бу шаҳар Ўрта Осиё ўлкалари иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллай бошлаган.

Термиз илк шаклланган давридаёқ бандар-порт шаҳри вазифасини ўтаган ва асрлар давомида шаҳарнинг худди шу хил тизими муайян равишда равнақ топиб, юксалиб боради.¹ Милоднинг VI-VII асрларида Термизда ҳукмрон бўлган термизшоҳлар тангаларидаги рамзий белги қайиқ лангари

¹Аннаев Ж.Т., Аннаев Т.Дж., Бобоева С.М. Арал пайғамбар-остров пророка как важный стратегический перевалочно-торговый пункт бассейне Окса-Амударьи. // Ўзбекистон археологияси 2016 №1.-С. 111-120.

ҳисобланган. IX аср ёзма манбаларида Термиз Мовароуннахрнинг йирик порт шаҳри сифатида таърифланади. Шу боис баъзи бир тарихчилар Термиз номини “дарё ёқасида жойлашган қалъа”, янада тўғрироғи “дарё соҳилидаги шаҳар” деб изоҳлаганлар. Термиз атамасига келсак, шаҳар номининг келиб чиқиши тўғрисида тарихчи, археолог ва тилшунос олимлар ўртасида ханузгача ягона фикр йўқ. Бир гуруҳ тадқиқотчилар Термизга македониялик Искандар (Александр Македонский) асос солган деб ҳисоблайдилар. Бу анъана эллинизм даври тарихчиси сицилиялик Диодор (90–21 йиллар) маълумотларига асосланган. Диодорнинг “Тарихий кутубхона” (бу асар кўпинча “Кутубхона” номида юритилади) асарида тилга олинган Окс бўйидаги Искандария ёки Оксдаги Искандария шаҳрини илк бор инглиз олими В.В. Тарн Эски Термиз ўрнида жойлаштирган эди. Кўп йиллар давомида Эски Термиз ёдгорлигида қазув ишлари олиб бораётган археолог олим Ш. Пидаев айтиши В.В. Тарн фикрини қўллаб-қувватлайди. Европалик археологлар Ф.Грэнне ва К.Рапэнлар ҳам милодий I-II асрлар оралиғида яшаб ўтган таниқли географ олим Клавдий Птоломей (90-160) томонидан тузилган харитани қайта таҳлил этиб, айнан шу фикрга келдилар. Шаҳар яна Юнон подшоҳларидан Евкратид (баъзан Эвкратид, 167–155) шарафига Евкратидия ҳам деб аталган экан, аммо бу борада айрим баҳсу–мунозарлар мавжуд. Чунончи, тарихчи олимлардан В.В. Тарн ва К. В. Тревер Евкратидияни Эски Термиз ўрнида кўришса, австриялик олим В. Томашек эса шаҳарни Окснинг чап соҳили (Тошқўрғон, Қундуздарё ёки Хулм)дан ахтаради. Бу хил баҳсу–мунозаралар Антиохия Тармитаси номига ҳам дахлдор, гўё Антиох (Салавкнинг ўғли) харобага айланган шаҳарни 295–293 йиллар қайта тиклайди. Шундан шаҳарга шоҳ Антиох номи берилади, шаҳар Антиохия Тармитаси (баъзан Окс Антиохияси) деб номланади, ўтмишда шаҳарлар одатан Худолар, қавмлар ёки шоҳлар номи билан аталган. Қизиги ҳар бир янги ҳукмрон ўзининг тасарруфидаги шаҳарларни ўз исмларининг номи билан аталишини хуш кўрган ва бу ғалати анъана баъзи мустасно ҳолатларни ҳисобга олмаганда, айтарлик узлуксиз давом этган. Кўринадики, бу хил ҳолат

кўхна шаҳримиз Термизнинг ҳам азал қисматига битилган ва мозий ҳукмига ҳавола этилган тарихий ёрлиқ эканлиги аён бўлади. Яна бир томони шундаки, В.В. Тарн ўз талқинларига ва илмий фаразларига содиқ қолган ҳолда Антиохия Тармитасини ҳам мутлақ, шубҳасиз, худди Эски Термиз ўрнида жойлаштирди.

Таниқли археолог М.Е. Массоннинг фикрига кўра, Термизга Юнон-Бақтрия подшоси Деметрий (тахминан Юнон-Бақтрия тахтини милoddан аввалги 199-167 йилларда идора этган) асос солган. Биламизки, подшо Деметрий ва Евкратид 169–167 йиллар оралиғида ўзаро тахт учун кураш олиб борадилар, ушбу кураш иккинчи томон фойдасига ҳал бўлади. Ўз навбатида Термиз ёки Тармита атамаси М.Е. Массон фикрича, подшо Деметрий номининг Деметрий-Деметриата-Дармита тарзида ўзгартирилиб талаффуз этиш туфайли Тармита–Тармит–Термиз ҳосил бўлган. Эски Термиз ҳудудида амалга оширилган археологик тадқиқотлардан маълумки, бу шаҳар Юнон-Тоҳаристон давлати ҳукмдори Деметрий ҳукмронлигига қадар ҳам мавжуд эди. Бу шаҳарнинг илк бора ёзма манбада тилга олиншини тарихчи олимлардан К.Рапэн, Э.Бо, Ф.Грене, Ш.Раҳмоновлар милoddан аввалги 329 йилга оид деб таъкидлайдилар. Антик давр муаллифларидан бири Мец «Эпитомея»сида Бессни таъқиб этган Искандар «мидийлар дарёси» соҳилида жойлашган «Тармантис» шаҳригача етиб борганлигини ҳикоя қилади (бу асарда Окс-Амударё Аракс дарёси билан чалкаштириб юборилган). Тилшунос П.Лурьенинг кўрсатишича, Тармантис аслида Термизнинг юнонча талаффузидир. Квинт Курций Руф (милoddнинг I асри) ёзади: “Тоҳаристон бўйлаб дарёлар оқади, улар Оксга қуйилади: Ох, Даргамон, Зариасп, Артамис, Даргит дарёлари”, булар қадимий Окс ўзанларининг бохтарча номлари бўлса керак.

2.2. Шимоли-ғарбий Тохаристоннинг кушон даври шаҳарсозлиги

Шимоли-ғарбий Тохаристоннинг кушон даври шаҳарсозлиги илгаридан мавжуд бўлган ва айнан кушонлар даврида вужудга келган шаҳарлардан иборат. Уларнинг энг йириги Далварзинтепа ёдгорлиги Сурхондарё вилояти Шурчи туманида Қизилсувнинг чап соҳилида Термиз Денов тракти чап томонида жойлашган антик даври кўҳна шаҳар харобаси. Ёдгорликнинг археологик ўрганилиши ўтган асрнинг 30-йилларидан бошланади. Бу пайтда бу ерлар тўказор ва ботқоқликдан иборат бўлиб, кишлоқ хўжалигини кенгайтириш мақсадида тўқайзорлар анча тозаланади. Натижада катта майдонни эгаллаган кўҳна шаҳар харобалари маҳаллий ўлкашуносларни ўзига жалб қилади.

Далварзинтепа микрорельефига кўра 2 қисмга юқори ва қуйи шаҳарларга бўлинади. Юқори шаҳар номи билан аталувчи қисм кўп қиррали айлана шаклда бўлиб, жанубда жойлашган. У хандак ва шаҳар ташқарисидан оқиб ўтувчи ирмоқлар билан ўраб олинган. Шаҳарнинг шимолий қисмида қуйи шаҳар номи билан аталувчи қисм жойлашган бўлиб, тўғри бурчакли режа асосида (650x500) қурилган. Шаҳаристоннинг майдони 47 гектар бўлган. У дунё томонларига қараб қурилган. Лекин Г.А. Пугаченкова таклифига биноан таснифни соддалаштириш мақсадида деворлар ва иншоотларнинг йўналиши шартли равишда шимолий, жанубий, шарқий ва ғарбий деб белгиланган. Шаҳар мудофаа хандаклари ва 30-40 метрлик буржли деворлар билан ўраб олинган. Шаҳар дарвозаси қуйи шаҳарнинг жануби-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, бу ерда яна юқори шаҳарга олиб боровчи пандус ҳам бўлган¹. Юқори шаҳарда археологик қатламлар 6-7 метр бўлса, мустаҳкам қуйи шаҳарда 5-6 метрни ташкил этади. Юқори шаҳарнинг шимоли-шарқий қисми қабристон ҳисобланади. Яқин йилардан бошлаб мусулмонлар қабристонига айлантирилган. Юқори шаҳар деворининг асос қисми табиий тепалик бўлган. Цитаделда қалъанинг жануби-ғарбий қисми ўрганилган бўлиб, бу ерда (Дтц-1) девор асосигача

¹ Далварзинтепа шаҳристон. Токио. Юко Университети. 1990 -С 204.

стратиграфик кесим ўтказилган. Бундан ташқари унинг юқори қисмларида, шимоли-ғарбий ҳудудларда (Дтц-2) текширувлар ўтказилган.

Қуйи шаҳар қалъа деворининг учта қисмида (Дт-3, Дт-4, Дт-8) стратиграфик кесим ўтказилган бўлиб, Дт-4 ва Дт-8 ҳудудлар юқори горизонтда жойлашган эди. Марказий ҳудудда ғарбий кварталнинг йирик турар жой бинолари (Дт-5, Дт-6, Дт-10, Дт-12) тадқиқ этилди. Шарқий қалъа деворига яқин жойда кварталдаги унча катта бўлмаган оддий фуқаролар турар жойи (Дт-2) очилган. Шимолий ҳудудда Дт-3 кесимли девор яқинида яқка тепаликда диний характердаги иншоот (Дт-7) топиб ўрганилган. Бу маҳаллий аҳолининг кичик турдаги ибодатхонаси эди. Шаҳарнинг жанубий қисмида керамикалар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган каттагина хунармандлар квартали (Дт-9) жойлашган бўлиб, бу ерда йирик кулолчилик печлари, устахоналар ва кичик ибодатхона топилган. Қуйи шаҳарнинг шимолий ҳудудларида ҳам бир нечта қазилмалар: шимоли-ғарбдаги тепаликда (Дт-13) ва шароб сақланадиган хумхоналарда (Дт-11) ўтазилган¹.

Далварзинтепа ёдгорлиги Сурхондарё вилояти Шурчи туманида Қизилсувнинг чап соҳилида Термиз Денов тракти чап томонида жойлашган антик даври кўҳна шаҳар харобаси. Ёдгорликнинг археологик ўрганилиши ўтган асрнинг 30-йилларидан бошланади. Бу пайтда бу ерлар тўқазор ва ботқоқликдан иборат бўлиб, қишлоқ хўжалигини кенгайтириш мақсадида тўқайзорлар анча тозаланади. Натижада катта майдонни эгаллаган кўҳна шаҳар харобалари маҳаллий ўлкашуносларни ўзига жалб қилади.

Далварзинтепа микрорельефига кўра 2 қисмга юқори ва қуйи шаҳарларга бўлинади. Юқори шаҳар номи билан аталувчи қисм кўп қиррали айлана шаклда бўлиб, жанубда жойлашган. У хандак ва шаҳар ташқарисидан оқиб ўтувчи ирмоқлар билан ўраб олинган. Шаҳарнинг шимолий қисмида қуйи шаҳар номи билан аталувчи қисм жойлашган бўлиб, тўғри бурчакли режа асосида (650x500) қурилган. Шаҳристоннинг майдони 47 гектар

¹ Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. и др. Далварзинтепа-Кушанский город на юга Узбекистана. Т., 1978 г. С.10-11.

бўлган. У дунё томонларига қараб қурилган. Лекин Г.А. Пугаченкова таклифига биноан таснифни соддалаштириш мақсадида деворлар ва иншоотларнинг йўналиши шартли равишда шимолий, жанубий, шарқий ва ғарбий деб белгиланган. Шаҳар муҳофаа хандаклари ва 30-40 метрлик буржли деворлар билан ўраб олинган. Шаҳар дарвозаси қуйи шаҳарнинг жануби-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, бу ерда яна юқори шаҳарга олиб боровчи пандус ҳам бўлган¹. Юқори шаҳарда археологик қатламлар 6-7 метр бўлса, мустаҳкам қуйи шаҳарда 5-6 метрни ташкил этади. Юқори шаҳарнинг шимоли-шарқий қисми қабристон ҳисобланади. Яқин йилардан бошлаб мусулмонлар қабристонига айлантирилган. Юқори шаҳар деворининг асос қисми табиий тепалик бўлган. Цитаделда қалъанинг жануби-ғарбий қисми ўрганилган бўлиб, бу ерда (Дтц-1) девор асосигача стратиграфик кесим ўтказилган. Бундан ташқари унинг юқори қисмида, шимоли-ғарбий ҳудудларда (Дтц-2) текширувлар ўтказилган.

Қуйи шаҳар қалъа деворининг учта қисмида (Дт-3, Дт-4, Дт-8) стратиграфик кесим ўтказилган бўлиб, Дт-4 ва Дт-8 ҳудудлар юқори горизонтда жойлашган эди. Марказий ҳудудда ғарбий кварталнинг йирик турар жой бинолари (Дт-5, Дт-6, Дт-10, Дт-12) тадқиқ этилди. Шарқий қалъа деворига яқин жойда кварталдаги унча катта бўлмаган оддий фуқаролар турар жойи (Дт-2) очилган. Шимолий ҳудудда Дт-3 кесимли девор яқинида яқка тепаликда диний характердаги иншоот (Дт-7) топиб ўрганилган. Бу маҳаллий аҳолининг кичик турдаги ибодатхонаси эди. Шаҳарнинг жанубий қисмида керамикалар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган каттагина хунармандлар квартали (Дт-9) жойлашган бўлиб, бу ерда йирик кулолчилик печлари, устахоналар ва кичик ибодатхона топилган. Қуйи шаҳарнинг шимолий ҳудудларида ҳам бир нечта қазилмалар: шимоли-ғарбдаги тепаликда (Дт-13) ва шароб сақланадиган хумхоналарда (Дт-11) ўтазилган².

¹ Далварзинтепа шахристони. Токио. Юко Университети. 1990 г.С 204.

² Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. и др. Далварзинтепа-Кушанский город на юга Узбекистана. Т.,1978 г. С.10-11.

Шаҳардан ташқари ҳудудларда, шимолий хандакнинг ортида диний ва маданий ёдгорликлар қолдиқлари топилиб, булар сирасига (Дт-1) даги будда ибодатхонаси ва (Дт-14) даги аслзодалар дафинаси-наус ўрин олган.

Далварзинтепа тузилишига кўра Ўрта Осиёда кенг тарқалган антик шаҳарлар (Зартепа, Қайқубодшоҳ, Қумқалъа, Ҳайрободтепа, Ҳайитоболтепа) сингари барпо қилинган. Уларнинг ҳар бири ҳаётни таъминлашнинг мустақил тизимига эга бўлган икки алоҳида қисмдан иборат. Уларнинг бири шаҳарнинг жанубий ҳудудидаги энг баланд тепаликда жойлашган кўрғон ва иккинчиси шаҳарнинг ўзи¹.

Шаҳарнинг жанубидаги қалъа деворлари ўқлари бўйича энг йирик ўлчамлари 300 ва 330 метр бўлган нотўғри кўп қиррали шаклда қурилган. Деворларнинг баландлиги 15 метр, узунлиги 800 метр, қиялиги 30 даража қалъа майдони 6 га атрофида.

Далварзинтепанинг иккинчи қисми, шаҳарнинг ўзи тўғри бурчак шаклда. Деворларининг узунлиги 2300 метр, минораларининг сони 30 дан зиёд, хандакининг эни 10-15 метр. Далварзинтепа шаҳри умумий ҳудудининг 34% ини мудофоа иншоотлари, 41% ини асосий истиқомат қисми, 7% ини майдонлар ва кўчалар, 18% ини эса бошқа бинолар эгаллаган дейишимиз мумкин. Шаҳар қурилишининг умумий майдони 470000 кв. м. га тенг бўлган.²

Маълумки кушонлар даврига келиб бутун Шимолий Тохаристон шаҳарлари ўз цитаделларига эга бўлди³. Далварзинтепа цитадели шаҳарнинг жанубий-шарқий бурчагида жойлашган бўлиб, микрорельефларига кўра у квадрат шаклга ўхшайди. Девор чизиқларига қарайдиган бўлсак, режага кўра у кўп қиррали кўринишда бўлган. Деворнинг йўналиши ва жойлашишига қараб, уни табиий тепалик бўлган дейишимиз мумкин. Цитаделнинг 3 бурчагида (шимоли-ғарбидан ташқари) шаҳар томонида 3 та мустаҳкам бурж бўлган. Улар ичида мустаҳкамроғи шарқий томон бўлиб, 6та буржлар

¹ Далварзинтепа шахристони. Токио. Юко Университети. 1996 -С.204.

² Далварзинтепа шахристони. Токио. Юко Университети. 1996 -С.205-206.

³ Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия-Тохаристон. Проблемы истории и культуры. Т.. 1990 г. С.72.

оралиғида жойлашган. Шунингдек бу ерда, аниқроғи марказда цитаель дарвозаси ҳам жойлашган бўлиб, 2 та бурж билан мустаҳкамланган. Бундай 2 та буржлар жанубий томонда ҳам бўлган. Цитадель деворининг узунлиги жанубга томон 150 метр, шарққа томон 200 метр, шимолга томон 170 метр, ғарбга томон 180 метрга чўзилган. Аркнинг умумий майдони эса 3 гектар¹. Цитаделнинг энг юқори нуктасининг шарқий томони хандак сув сатҳидан 11 м, шимолий томони 14 м, марказининг абслют баландлиги 15 метр баландликда жойлашган. Цитадель ҳамма томондан хандаклар билан ўралган бўлиб, шаҳар томнидаги эни 20-25 метргача боради. Агар шимоли-ғарбий ва шимоли-шарқий томонларда хандаклар бўлган бўлса, улар атайин қурилган. Жануби-ғарбий томонда эса ҳақиқатдан ҳам қадимий дарё ирмоғи бўлган. Бу ирмоқ Қармоқсой номи билан машҳур. Бу сой шимолдан оқиб келиб, шимоли-ғарбий томондан бутун шаҳарни чегара сифатида ҳимоялайди. Цитадель худудига келиб ирмоқ бирданига бурилган ва Сурхандарёга туташади. Қадимдан Қармоқсой жуда чуқур сув билан тўла бўлган, буни кучли хандак излари исботлайди². Шунингдек Далварзинтепа шаҳар атрофи чуқур сув билан қопланганлиги халқ афсоналарида ҳам келтирилади.

Ҳозирги вақтда цитадель устки қсмининг каттагина жойи қабристон ҳисобланиб, фақатгина шимоли-ғарбий қисмидагина археологик қазилмалар олиб борилган. Цитаделни ўрганиш 1962 йил Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси томонидан бошланган бўлиб, Турғунов ва Сидировалар томонидан шимоли-ғарбий томонидаги қаср деворлари қисмида кичик қазил ишлари олиб борилган. Олинган маълумотларга кўра Турғунов Б.А. деворнинг бошланғич қалинлигини 5,2 метр бўлган деган фикрни берган. Бу девор ўлчовлари 45х45х12-13 см лик хом ғиштлардан қурилган бўлиб, мил.авв. III-II асрларга, яъни Юнон-Тохаристон даврига таалуқли эканлиги тасдиқланган. Кийинроқ, Кушонлар даврига келиб, бу деворга қўшимча яна қалинлиги 4,7 метр бўлган девор қўшилади. Девор хом ғишдан қурилган

¹ Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. и др. Далварзинтепа-Кушанский город на юга Узбекистана. Т., 1978 г. С.12.

² Пугаченкова Г.А. К истории античной строительной техники Бактрии-Тохаристана. СА. 1963. С.55.

бўлиб, ўлчамлари 35x35x11-12 см ва 32x30x12 см бўлган. Ана шундан сўнг цитадель деворининг умумий қалинлиги 10 метрга етади¹.

Олиб борилган казишмалар натижаси шуни кўрсатадики, бу ердаги маданий қатлалар қалинлиги асос қисмидан материк сатҳигача 6,35 метрни ташкил этади. Цитаделнинг ҳозирги вақтдаги максимал баландлиги 15 метрга этади. Қадимда эса бу ердаги илк хўжалик ҳаёти бошланган даврда тепалик баландлиги 7-8 метр бўлган десак адашмаймиз.

Кўп метрлик қалинликдаги маданий қатламни биз 5 та асосий стратегафик горизонтга бўламиз. Шурфдаги энг қадимги давр 5,15-6,35 метр чуқурликдаги XI-XIII яруслар бўлиб, эни 2,8 метр, қалинлиги 50-60 см деворли қизғиш пахсадан урилган ва 1x1 ҳажмдаги хўжалик ўрасига эга иморат аниқланди. Ўралар қурилиш қолдиқлари ва кул уюмлари, яшил сифат органик қолдиқларга тўла эди. Пол усти 0,5метрлик хўжалик маиший қатламига эга бўлиб, тупроқ қатлами билан қопланган. Бу гуруҳдаги керамикалар таркибига Г,Т шаклдаги ингичка бўғизлилар кириб, кулолчилик чархида тайёрланган. Устки қисми эса очсариқ ёки очқизил ангобланган². Фрагментлар орасида биз йирик ҳажмдаги туваклар, хумларни учратишимиз мумкин. Уларнинг баъзилари қорамтир ангоб билан бўялган. Керамикалардан олинган маълумотларга караб бу горизонт санасини мил. авв. III-II асрлар билан белгилаймиз.

Иккинчи стратиграфик горизонт XI-IX ярусларга тўғри келиб, чуқурлиги 4,25-5,15 метрни ташкил этади. Шимолий қисмида у харобага айланган ва юпқа пахса деворли каридор шаклидаги иморатни намоён этади. Шурфнинг бу сатҳдаги қолган ҳудудларида катта миқдордаги кўмир ва ҳайвон суякларидан пайдо бўлган 15-20 см қалинликдаги кул қатлами аниқланган. Керамикалар тавсифига келсак текис деворли, тўғри ёки бўртма бўғизли оч рангли ангобланган идишларни учратишимиз мумкин. Холчаёндаги шу турдаги идишлар санаси мил.авв. I асрлар билан

¹ Турғунов Б.А. Раскопки на Далварзин-тепе. М., 1985 г. С.39-43.

² Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. и др. Далварзинтепа-Кушанский город на юга Узбекистана. Т., 1978 г. С.13.

белгиланган¹. Тўқ қизил ангоблилар учрамайди. Барча маълумотларга таяниб бу горизонт санасини мил. авв. II аср охири I аср билан белгилашимиз мумкин.

Учинчи стратиграфик горизонт бир мунча яхши маданий қатламларга эга бўлиб, IX ярус ўрталари ва VII ярус охирларини ўз ичига олади. У 3,20-4,25 метр чуқурликда жойлашган. Шурфда у иморат билан бирга яхши сақланган пол сатҳлари ва деворларни намоён қилади. Деворнинг 1,05-1,10 метр баландликдаги қисми сақланиб қолган иморатлар бирининг эни эса 2,65 метр. У юпқа ишланган керамикалар, ҳайвон суяклари ва кул қатламлари билан тўлган эди. Керамикаларнинг катта қисми тўқ қизил ранг билан ангобланган ва тўлқинсимон чизиқлар чизилган идишлардан иборат. Шунингдек илк бор овал шаклли листларга дарахт ёки бошоқ тасвирланган штампли керампкалар топилган. Кўпгина тадқиқотлар натижасида кушонлар даври керамикаларидаги штампларнинг санаси мил.авв. I аср охирлари ва милоднинг бошларига бориб тақалиши аниқланди. 3,65 метр чуқурликда узун юпқа оёқли, тўқ қизил ранг ангоб берилган қўнғироқ кўринишли қадах топилган бўлиб, унинг санасини эрамизнинг бошлари билан белгилаймиз. Тадқиқотлар натижасида юқоридаги 2 горизонтни эрамизгача ва эрамиз чегараларигача бўлган давр билан белгиласак, 3 горизонтни топилмаларга қараб милодий I-II асрлар билан белгилашимиз мумкин².

4-стратиграфик горизонтда уй-жойлар 40x40x12 см ли 2 қаторли хом ғишдан қурилган бўлиб, эни 2,15 метр бўлган коридор шаклидаги иморатлардан борат. Бу горизонтдаги V-ярус охирида 15 см қалинликдаги кул қатламлари сақланган. Бу горизонтдан 2 метр чуқурликда IV-V яруслар чегарасида 2, 3 метр энлиликдаги коридор шаклидаги иморат очилди. Иморат деворлари тўғри бурчакли хом ғишлардан (52-53x26x9-10 см) қурилган. Бу 5 горизонтга тегишли. IV-V горизонтлар ўрганилган

¹ Пугаченкова Г.А. Халчаян. Т., 1966 .С.40.

² Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. и др. Далварзинтепа-Кушанский город на юга Узбекистана. Т.,1978 г. С.16.

маълумотларга қарамай милодий III-IV асрларга таълуқли дейишимиз мумкин.

Қалъа деворида ҳам стратиграфик кесим амалга оширилган бўлиб, цитадель ғарбий деворидан 30 метр масофада ташланган шурфнинг ғарбий деворидан бошланган ва у 12,5 метрга чўзилган. Кесим эни 1-1,5 метр, максимал чуқурлиги 6 метр. Стратиграфик кесим ўтказишдан мақсад қурилиш даврлари ва мудофаа тизимини аниқлаш эди. Тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики, цитаделнинг қуйи девори тупроқли материк устига қизғиш пахса блокларидан қурилган. Бу ердан топилган керамик фрагментлардан шу маълум бўлдики, бу қисм деворининг қурилиш даври мил.авв. III-II асрларга бориб тақалади. Бир мунча давр ўтиб яна хом ғишт ва пахсадан икки девор ҳам қурилади. Бу девор 4,3-3,9 метр баландликда сақланиб қолган бўлиб, ғиштларнинг ўлчамлари 45 см дан ортиқ бўлган. Уларда Б, В, Ж каби муҳрли белгилар бўлган. Мил. аав I асрга келиб, яъни юэчжи кушон даврида цитадель девори юқори ва қуйи деворлардан ҳамда улар орасидаги йўлакдан ташкил топди. Йўлак билан бирга умумий қалинлиги 8 метрга етади¹. Кейинроқ эса девор баландлиги мудофаа учун кучсизлиги маълум бўлгач, икки томондан ҳам хом ғишт ва пахсадан қўшимча девор кўтарилади. Бу қўшимча қурилиш натижасида юқори девор қалинлиги 7 метрга етади. Шундай қилиб Буюк кушонлар даврида цитадель икки қатор девор билан ўраб оlinиб, ўртасида йўлак қолдирилган. Ички томондаги девор кенг ва баланд қилиб қурилган. Барча қурилишлардан сўнг деворнинг умумий мустаҳкамлиги 11 метрга етади.

1962 йил кушонлар даврига оид деворнинг жануби-ғарбий бурчагида бурж қазиб очилди. Буржнинг ички қисмида яхши ҳолда сақланган хоначалар топилган. Бу хоначалар мудофаада муҳим роль ўйнаган. Сўнгги кушонлар даврига келиб цитадель харобалашади ва ташлаб кетила бошлайди. Бундан

¹ Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. и др. Далварзинтепа-Кушанский город на юга Узбекистана. Т.,1978 г. С.18.

кейинги даврда, яъни илк ўрта асрларда ҳам юқори деворда бир оз қайта қурилишлар бўлганлиги кузатилган.

Шундай қилиб барча тадқиқотлар шуни кўрсатадики, цитадель девори тарихи 3 даврни ўз ичига олади. **1.** Юнон-Тохаристон даври (мил.авв III-II асрлар) унча катта бўлмаган пахса девор қурилади. **2.** Юэчжи-кушон даври (мил.авв. I милодий I асрлар) юқори девор пайдо бўлди. **3.** Буюк Кушонлар (I-III асрлар) цитадель ўртасида йўлак 2 қаторли мустаҳкам девор билан ўраб олинади.

Шахристон. Кушонлар даврига келиб Тохаристон шаҳарлари энг гуллаб яшнаган босқичга ўтди деб бемалол айтишимиз мумкин. Чунки бу даврда шахристон турар жойлар, ҳунармандчилик ва ишлаб чиқариш идеологик ва савдо-сотиқ билан боғлиқ функцияларни бажара бошлаган¹. Шунингдек бу даврда шахристоннинг ички ва ташқи тузилиши анча мустаҳкам ҳолга келди. Кушонлар даврида шахристон асосан чучур ва кенг мудрофаа хандаклари ва буржларга эга деворлар билан қучли мустаҳкамланган. Шахристон қурилишида шаҳар (қурилишида) мудрофаасида кўшимча ҳимоя рубежлари бўлиб хизмат қиладиган ҳарбий кўчалар қурилган бўлиб, улар девор бўйлаб жойлашган. Шаҳар асосан 2 та марказий кенг кўчага бўлинган бўлиб, улар шаҳар дарвозаси ва унча катта бўлмаган бой ва монументал бинолардан бошланар эди. Марказий магистралдан ён кўча ва тор кўчаларга қириларди. Тор кўчалардан алоҳида турар жойлардан иборат катта кварталлар чегараси бошланарди. Далварзинтепа кварталлари турар жой сонига ва функцияларига қараб бир-биридан фарқ қилган. Масалан: ҳунармандлар, кулолчилар, бой шаҳарликлар, оддий фуқаролар кварталлари мавжуд эди. Турар жой уйлари ҳам майдонлари ва вазифаларига қараб фарқ қилган. ДТ-6 даги бой шаҳарликлар уйи 1800 кв м. ДТ-5 даги бой шаҳарликлар уйи 1600 кв м. ДТ-9 даги ишлаб чиқариш ва ибодатхона мажмуалари тахминан 1000 кв м. ДТ-2 даги ўрта хол шаҳарликлар уйи 520 кв.

¹ Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия-Тохаристон. Т., 1990 .С.72.

м. Дт-18 даги ўрта хол шаҳарликлар уйи 500 кв м. Дт-7 даги ибодатхона 600 кв м.

Бундан кўриниб турибдики шаҳристонда битта турар жойнинг ўртача катталиги Дт-2 ва Дт-18 даги кўринишда экан. Бу ўлчамларни қабул қиладиган бўлсак, Далварзинтепада тахминан 340-350 та иморатлар бор деган фикрга келамиз¹. Шунингдек Дт-7, Дт-9, Дт-25 даги ҳудудлар диний ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган. Шаҳристонда турар жой секторлари ҳам аниқланган бўлиб, майдони 0,3-0,4 га бўлган тўртта сектор очилган. Юқоридагиларни ҳулоса қилиб, Далварзинтепа шаҳристони уч хусусиятли таркибга бўлишимиз мумкин: Булар турар жойлар, кварталлар ва секторлар. Бунақанги секторлар Ҳинд шаҳарларида кўплаб учратилган. Ҳар бир сектор ўзининг кичик бўлимларига эга бўлиб, алоҳида деворлар билан ўраб олинган. Бунақанги кварталли тузилишлар кушонлар даврида Ҳинд диёридан кириб келган бўлиб, маҳаллий шаҳарсозлик анъаналари билан қоришиб кетган. Шу сабабли шаҳристонда ҳунармандлар квартали, уста кулоллар квартали, темирчилар кварталлари пайдо бўлган.

Далварзинтепанинг қалъа деворларидан шимоли-шарқий ҳудудлари дафн қилиш иншоотлари наус билан 200 метр масофада эса будда ибодатхонаси билан банд бўлган. Шаҳар олди ҳудуди аҳолиси жануби-шарқ ва жануби-ғарбий қисмларида истиқомат қилишган.

Шаҳристон қалъа деворининг учта қисмида иккитаси шимолий деворда (Дт-3, Дт-8) ва биттаси марказий ҳудуд (Дт-4) да кесим олиб борилди. Бундан мақсад эса шаҳар деворларининг муҳофаа тизими ва қурилиш даврларини аниқлаш эди. Шаҳристон учун танланган жой имкониятлар ва муҳофасига қараб амалга оширилган. Бу кўпинча табиий рельефларга қараб амалга оширилган. Шаҳар қалъа деворлари тўғри бурчакли бўлиб (650х500 м) уни сойдан оқиб келувчи сув билан тўла ҳандаклар ўраб туради. Ғарбий томондан Қармоқсой ўтган бўлиб, девор икки қаторли сув йўли билан ҳимояланган. Шунингдек бу ғарбий томон Чоғаниёнга элтувчи асосий савдо

¹ Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия-Тохаристон. Т., 1990 73-74 бетлар.

йўли ҳамдир. Шахристоннинг жануби ва жануби-шарқий қисми илк бор Юнон-Тохаристон шаҳарчаси бўлган юқори шаҳар цитадели ҳимояси остида бўлган. Жанубий девор ости бўйлаб қўшимча муҳофаа рубежи сифатида табиий тепаликлар чўзилиб ётади. Шаҳар дарвозаси эса, цитадель ҳимояси остидаги жануби-шарқий қисмда жойлашган.¹ Энди юқорида айтиб ўтган, қалъа деворларида ўтказилган кесимларга қисқача тўхталсак. ДТ-8 даги кесим шимоли-шарқий бурчакдан 150 м. масофадаги шимолий деворда ўтказилган. Қизғиш тусли қум тупроғи устида қурилган деворнинг дастлабки қисми 2,1 м. баландликдаги пахсадан қурилган. Унинг устидан эса 1,8 м. қалинликда хом ғиштдан урилган. Пахсанинг сифати яхши бўлиб, тоза тупроқдан уч қатор қилиб урилган. Девор қалинлиги пастки қисми 4,5 м. бўлиб, хом ғиштдан урилган жойи 3 м. ни ташкил этади. Хом ғиштлир жуда йирик ўлчамли бўлиб, 45х48х10-13см ни ташкил этган. Ғиштлирда В, 3 каби муҳрли белгилар учрайди. Деворнинг кейинги қурилишларида фақат пахсадан фойдаланилган бўлиб, умумий қалинлиги 10 м гача етган.² Бу пахса асос қисмидаги пахсадан фарқ қилиб анча мустаҳкам қилиб урилган. Дастлабки девор қисми устидан икки қатор хом ғиштли қисм аниқланган бўлиб, ўлчамлари 40х40х10 см ёки 37х37х10 см ли ғиштлирдан урилган. Пахсали қисм асосидан икки метр баландликда ташқи қисмдан 3 м ораликда узунлиги 8,5 м эни 1,3 м бўлган девор ички қисмида йўлак аниқланган. Унинг ғарбий қисмида 70 см гача чуқурликдаги ўра бўлиб, ичи бўш тупроққа тўлдирилган бўлган. Йўлакнинг қолган ҳамма жойи хом ғишт бўлаклари ва пахсали тупроқ билан тўлдирилган. Ўрадан Эфталитлар даври тангаси топилган.

ДТ-3 даги кесим шимоли-ғарбий бурчакдан 100 м масофадаги шимолий деворда ўтказилган. Асос қисмидаги қум тупроқ устида қизғиш ва сарғиш тусдаги жойда унча катта бўлмаган 35-50 см лик маданий қатлам бўлиб, тупроғи яхши керамикалар ўз таркибига кўра пастки қатламлардаги ДТ-2, ДТ-

¹ Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. и др. Далварзинтепа-Кушанский город на юга Узбекистана. Т., 1978 г. С.22.

² Ўша асар. -С.23.

4, Дтц-1 га ўхшаш бўлган. Бу ердаги идишлар Юнон-Тохаристон даври керамика мажмуаларига тегишли.¹ Бу маданий қатлам устида кенглиги 9 м гача, баландлиги 0,8-1,2 м гача бўлган пахсали майдон ётқизилган. Бу майдоннинг жанубий томонида қалинлиги 4,7 м бўлган якка девор бўлган. Ҳар хил баландликдаги (85-100) см пахсали қаторлардан иборат бўлган 2,2 м гача етадиган деворлар мавжуд бўлган. Юқоридаги 3-5 қаторгача бўлган хом ғиштли қатлам сақланиб қолган. Ғишт ўлчамлари 44-45х44-45х10 см бўлиб, ҳаммасида бир хил белги В учрайди. Тупроғи қизғиш ранг бўлган. Шимолий томондан табиий рельефлар ҳам мустаҳкамлаш ишларига ёрдам берган. Бу ерда баландлиги 5 метр келадиган геологик қолдиқ бўлиб, асосига хандак қазилган. Кейинги даврларда деворнинг бор баландлиги сарғиш тупроқли хом ғиштлардан қад ростлади. Ғишт ўлчамлари 39-40х39-40х13-14 см бўлиб, уларда 3 турдаги белгилар учрайди. Шундан сўнг деворнинг умумий қалинлиги 9 метрга етади. Кейинги даврларда бу девор харобалашади ва ювилади. Дт-4 даги кесим ғарбий деворнинг ўрта қисмида амалга оширилиб, у ерда бурж борлиги тахминан аниқланган.² Қазиш ишлари бу ерда девор бўйлаб 20х20 метрли ички кесим ва минора бўйлаб 20х1,3 метр тозалаш орқали қадимий хандак бошигача бўлган 150 м³ майдонда амалга оширилди. Дастлабки девор ҳар доимгидек қизғиш сариқ кум-тупроқли жойга қурилган. Бу асос қисмининг 2 жойида тўғри бурчакли ахлат ташлайдиган ўра топилган. Шунингдек яна 2 та хўжалик нарсаларини ташлайдиган чуқур бўлган. Кейинчалик бу пахсали девор билан ёпилган. Бу девор 0,5 метр жойни эгаллаган бўлиб, ундан сўнг қалинлиги 50-60 см бўлган майдон чўзилиб кетган. Шу вақтда девор четки қисми устидан 5 метр баландликдаги бурж ҳам қурилган. Унинг девори пахса ва хом ғишт қаторларидан тикланган бўлиб, ўлчовлари 45-46х45-46х12 см бўлган. Бу ердаги материк устида 1,4 метрли пахса қатлами, 70 смли хом ғишт пахса қатлами, 90 смли 9 қаторли хом ғишт пахса қатламлари давом эттирилган. Кейинги даврлар аҳамиятли

¹ Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. и др. Далварзинтепа-Кушанский город на юга...-С.24.

² Пугаченкова Г.А. Новое в изучении Далварзинтепе. СА. 1971.С.191

қурилишлар билан белгиланади. Девор яна 1,5 метр баландликгача пахсадан қолганига эса хом ғишдан қўшилиб қад кўтаради. Шу билан деворнинг умумий қалинлиги 9,5 метрга етади. Бурж ҳам 2 метрлик пахса девор билан мустаҳкамланади.¹ Ҳозир унинг фақат тағ қисми сақланиб қолган. Бу ердан 2,3 метр масофада дарё қум қолдиқлари топилгани бу ер хандак чегарасига яқин бўлган деган тахминни беради. Буржнинг ташқи томони кучли ювилган, лекин марказий қисмида қайта қурилишлар амалга оширилгани аниқланган. Дастлабки пахсали қатор устидан 4 қаторли хом ғиштли девор урилган бўлиб, ғишт ўлчамлари 40x40x11-12 см бўлган. Унинг устида 4,5 метр баландликдаги бурж ичи хонаси аниқланган. Унинг ичида катта ва ўрта ҳажмдаги юмалоқ шағал тошли пирамидалар топилиб, тош отувчи бўлинмага хизмат қилган. Бундай турдаги шағал тошлар буржларнинг қия жойларида ҳам кўплаб топилган. Бурж ичидаги хона полидан 50 см пастда қандайдир девор ичидаги иморат поли топилган. Бу пол усти 7-8 см қалинликдаги ёнган тупроқ қатлами билан қопланган эди. Буржнинг охири таъмирланиши 70 см гача сақланиб қолган ёнган қатлам устига ётқизилган пахсали хонанинг бузилиши билан боғлиқ. Девор ва бурж ташқи томондан тик ювилган тупроқ ва бузилган ғишт девор бўлаклари топилган.

1968 йили қалъа деворининг қирқиш ишлари давом эттирилиб, у шахристоннинг жануби-ғарбий бурчагида амалга оширилган.² Материк устида эни 3 метргача етадиган асосий ташқи девор бўлиб, йирик хом ғиштлардан (43-45 см) қурилган. Ташқи томондан унга пахса урилиб усти текисланган. Девор ичи бўйлаб 80 см ли пахсали йўлак ўтган бўлиб, у шинаклардан душманни ўққа тутишда ҳаракатланиш имконини берган.³ Шундай шинаклардан бири эни 25 см, баландлиги девор ичида 28 см, ташқи томони 50 см бўлиб, унинг пастки чет қисми қия бўлиб кетган. Шинак шакли ўқ узишга мўлжалланган бўлиб, икки ғишт орасидаги тешикчада жойлашган.

¹ Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. и др. Далварзинтепа-Кушанский город на юга Узбекистана. Т., 1978 г. С.23-24.

² Альбаум Л.И. Городище Далварзинтепе. Т., 1966. С.49-58.

³ Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. и др. Далварзинтепа-Кушанский город на юга Узбекистана. Т., 1978 г. С.29-30.

1,7 метр орликда яна битта қалинлиги 1,7 метр, баландлиги 2 метргача бўлган тўртбурчак ҳажмли(43-44x43-44x12 см) хом ғиштлардан қурилган ички девор топилган. Қандайдир даврда иккала девор оралиғидаги хом ғиштлар бузилиб ўрнига бўш тупроқ қад ростлаган. Материкни дастлабки қисмида 3 метр баландликдаги девор ичи бўйлаб ўқ отишга мўлжалланган жанговар йўлак топилган бўлиб, у шинаклардан пастда жойлашган эди. Кейинчалик бутун мудофаа тизими яна кучайтирилади. Деворлар ораларида жанговар казематлар барпо этилиб, шинаклар эса тиззалаб ўқ узишга мўлжалланадиган бўлди. Казематларни тўсиб туриш учун хом ғишт ва тупроқ уюмларидан тўсиқлар қилинган. Кушон подшоси Канишка даврида қалъа деворларида қайта қурилишлар ўтказилган бўлиб, девор қалинлиги 9-10 метрга етади. Хандак бўйлаб деворларда 4 метр баландликда девор ичида казематлар қурилади. Сўнгги кушонлар даврида ҳужум жангларидаги ёнғинлар оқибатида девор ичидаги хоналар ёнган ва кўп қисми бузилиб кетган. Шунингдек деворнинг кўп қисми ювилиб кетган.

Сурхандарё вилоятидаги йирик марказлардан бири Зартепа ёдгорлиги ҳисобланиб, у олдиндан режалаштирилган ягона лойиҳа асосида қурилган. Манзилгоҳнинг умумий майдони 17 га. ни ташкил этиб, кушонлар даврининг атрофи мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўраб олинган йирик шаҳар маркази харабаси саналади. Мудофаа деворлари ярим айлана миноралар билан кучайтирилган.

Зартепа уй-жой иморатлари воҳанинг бошқа антик даври иморатлардан фарқли ўлароқ Марказий кўчалари бўйлаб илгаридан ўйланган режалаштириш асосида барпо этилган. Бу ерда асосий иморат сарой мажмуасининг асосий иккита катта зали муҳим ўрин тутди. Улар мраморсимон тошлардан ясалган тагликли устунлар асосида ёпилган. Шунингдек, Зартепанинг шарқий томонидан будда ибодатхонасининг ўрганилган бўлиб, у буддавийлик қурилиш анъаналари асосида барпо этилган. Ибодатхона ҳовлисида одатда ступа ўрин олган.

Зартепада олиб борилган археологик қазув ишлари давомида турли-туман топилмалар кўплаб қайд қилинди. Тадқиқотчилар уларни ҳар томонлама ўрганиб ва таҳлил қилиб, Зартепа аҳолисининг моддий маданияти сўнгги кушонлар даврида юқори даражада тараққий қилган деган хулосага келдилар. Қазилар давомида топилган тангалар, уй-жойлар ва археологик буюмларнинг ёшани аниқлаш билан бирга шаҳарда товар-пул муомаласи қай даражада ривожланганлигига аниқлик киритиш имкониятини яратди. Тадқиқотчилар топилган тангаларга асосланиб, сўнгги кушонлар даврида Тохаристонда ва жумладан Зартепада товар-пул муомаласи юқори даражада ривожланганлигини қайд қилдилар¹.

Шундай қилиб, Тохаристон экспедицияси томонидан Зартепада олиб борилган археологик тадқиқот ишлари ушбу шаҳарнинг шаклланиши ва ривожланиши тўғрисида қимматли маълумотлар бериб, кушон даври Тохаристон шаҳарлари борасидаги тасаввурларни янада кенгайтди. Бу тадқиқотлар Тохаристонда урбанизацион жараён қайси даврларда қандай юз берганлигини, унинг асосий омиллари, шаҳарларнинг тутган ўрни масалаларини кўриб чиқиш учун манба бўлиб хизмат қилиши қайд қилинди. Зартепада олиб борилган археологик қазилар ишлари қадимги Ўзбекистон тарихи ва маданиятини ўрганишда муҳим бир босқич бўлди².

Экспедиция Зартепа шаҳар харобасидан ташқари Ангор туманида жойлашган Хайрободтепа ва Жарқўрғон туманидаги Ҳайитободтепаларда ҳам қазилар ишлари олиб борди. Бу тадқиқотлар асосан, мазкур шаҳарларнинг мудофаа деворларини ўрганишга қаратилди. Нигижада мазкур шаҳар харобаларининг мудофаа деворлари тўғрисида қимматли маълумотлар тўпланди. Айниқса, бу борада Ҳайитободтепада милoddан олдинги биринчи минг йилликнинг ўрталарига оид шаҳар мудофаа деворларининг топилиши қадимги Тохаристон шаҳарсозлик маданиятини ўрганишда муҳим бир босқич бўлди³.

¹ Завьялов В.А. Зартепинский археологический комплекс ... -С.18.

² Массон В.М. Кушанские поселения и кушанская археология ... -С. 3-17 .

³ Сабинов К.С. Новые материалы к изучению укреплений кушанского времени городища Хайрабадтепа //

Тохаристон археологик комплекс экспедицияси Сурхондарё воҳаси шаҳарлар тарихини ўрганиш билан бир каторда бу ҳудуддаги қадимги кишлоқларни ўрганишга ҳам катта эътибор берди. Термиздан ғарбда Амударёнинг ўнг соҳалида жойлашган Кофирқалъа (Кампиртепа) манзилгоҳ жойлашган. Мудофаа тизимиға мураккаб бўлган қалъа-қўғонга эллин даврида асос солиниб, кушонлар даврида ҳам фаолият юритган. Манзилгоҳ уч қисмдан иборат. У антик даври ёзма манбаларида қайд этилган Пардагви шаҳри билан қиёсланади.

Шимолий Тохаристон антик даври шаҳарларининг тузилиши ва режаси, тадқиқотчиларнинг фикрича, уларнинг асосида илгари мавжуд бўлган манзилгоҳлар билан боғлиқ эди. Тадқиқотчилар Шимолий Тохаристондаги шаҳарларнинг асослари билан бир-биридан фарқланувчи уч гуруҳини ажратадилар:

1. Асослари аҳамонийлар даврига бориб тақалувчи кўп қатламли шаҳарлар (Жондавлаттепа, Хайитободтепа ва Термиз).

2. Юнон-Тохаристон ёки саваткийлар даврида пайдо бўлган шаҳарлар (Далварзинтепа, Термиз, Холчаён, Кампиртепа).

3. Юечжи ёки кишонлар даврида пайдо бўлган кўҳна шаҳарлар (кўплаб майда шаҳарчалар, Будрач, Зартепа, Ғаровтепа, Деновдаги Қалъа Минор ва бошқ.)¹.

Ўрта Осиёнинг Тохаристон ҳудудларида ҳам қалъа ва қўғонлар пайдо бўлганидан сўнг, уларнинг теваариға турар-жойлар пайдо бўлиб, шаҳарлар ривожланиши ва кенгайишиға асос солинади. Шунинг учун ҳам кушон даври барча катта ва кичик кўҳна шаҳарлари илгарироқ манзилгоҳ пайдо бўлган ўринда қад кўтарган қалъаларға эға. Кўпчилик қалъалар кўҳна шаҳарлар бурчакларидан бирида жойлашиб, шаҳар иншоотлари таркибига кириб кетади. Айрим ҳолларда қалъалар бурчаклардан бирида жойлашиб (Далварзинтепа, Арпапоятепа) шаҳар чегараларидан четда қолади. Баъзи

ИМКУ. -1981. -№16. -С. 31-35.

¹ Яхшиев А. Шимолий Бактриянинг тарихи ва маданияти. Т.ф.н. дисс. Т., 2002. 153 б.

қалъалар марказда (Ялангўштепа, Гаровқалъа) жойлашса, айримлари шаҳарнинг асосий қисмидан алоҳида ёки дарё қирғоғида (Термиз, Кампиртепа) жойлашади¹.

Антик давр Сурхон воҳаси меъморчилигининг таҳлили шуни кўрсатадики, кўхна шаҳарлар қалъалари ўз ўлчамлари ва режаси жиҳатидан бир-биридан фарқланади. Мисол учун, тўғри бурчакли (Кампиртепа, Термиз), тўртбурчак (Зартепа, Окмозортепа, Хайрободтепа), кўп бурчакли (Далварзинтепа). Энг катта қалъалар Термиз (10 га) ва Далварзинтепа (3 га) бўлиб, кўпчилик қалъалар 1 га дан 0,8 га гача ўлчамга эга. Қалъалар, афтидан, шаҳарларнинг табақалашув-маъмурий бошқарилиши нуктаи назаридан ўз тузилиши, мақсади ва бажарадиган вазифасига кўра ҳам бир-биридан фарқ қилган. Г.А.Пугаченкованинг фикрича, Ўрта Осиё антик давр шаҳарларининг маъмурий бинолари ва ҳукмдорлар саройларида турли хизматга оид омборлар, ҳарбийлар учун иншоотлар бир ерга мужассамлашган жой ҳисобланади².

¹ Ртвеладзе Э.В. Кушанская крепость Кампиртепа // ВДИ. -1984. -№ 3. -С. 154.

² Пугаченкова Г.А. Халчаян. -Т., 1966. -С. 236.

ХУЛОСА

Ўзбекистон дунё тамаддуни тараққиёида муҳим ўрин эгаллаган мамлатлар доирасига киради. Айниқса, қадимда Тохаристон номи билан аталган Жанубий Ўзбекистоннинг антик даври маданияти кишилиқ жамияти тараққиёида чуқур из қолдирган давр ҳисобланади.

Тохаристон дастлаб аҳамонийлар, кейин селевкийлар таркибидаги сатраплиқни ташкил этган. Мил.авв. III асрнинг ўрталарида юнон зодогони Диодот селевкийлардан мустақил бўлган Юнон-Тохаристон давлатига асос солади. Бу даврда (Евтидем, Демерий, Евкратид) мамлакатнинг ҳудуди Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбига қадар кенгаяди. Айрим илмий фаразларга кўра Сўғд ҳудудлари Тохаристон таркибда бўлган. Бу даврда мамлакат маказлашган монархияга айланади. Мил.авв. II асрнинг ўрталарида (Митридат I даврида) ғарбда Парфиянинг қудрати кучайиб, Марғиёна босиб олинган. Сўғд ҳам тахминан мана шу даврларда ажралган бўлиши мумкин. Тинимсиз олиб борилган уруш ҳаракатлари мамлакат ҳарбий қудратига салбий таъсир этиб, мил.авв. 140/130 йилларда *сак-юечжи* қабилаларининг ҳужуми Юнон-Тохаристон давлати батомом инқирозга учратади. Мил. авв. I асрда беш гуруҳдан иборат *да-юежи* қабилалари (*да*-катта, буюк) иттифоқи ўрнида Кушон подшолиги қарор топади. Канишка ҳукмронлиги давридан мамлакат ҳудуди Ҳиндистоннинг шимолига қадар кенгайиб, ўз қудратининг юқори чўққисига чиқади. Канишқадан кейинги ҳукмдорлар даврида мамлакат қудрати сусайиб кетади. Бу вазиятдан фойдаланган Эронда сасонийлари, мамлакатни босиб олиб, III асрнинг иккинчи чорагида мамлакат бошқаруви форсларга ҳукмронлигига ўтган.

Тохаристоннинг антик даври кўхна шаҳарларини тадрижий жиҳатан бир неча гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ шаҳарлари мил.авв. I минг йилликнинг ўрталарида шаклланиб, эллинлар даврида ҳам фаолият юритган (Талашконтёпа II, Жондавлаттёпа, Ҳайитабодтёпа). Иккинчи гуруҳ шаҳарлар Юнон-Тохаристон даврида шаклланган (Эски Термиз, Далварзинтёпа, Кампиртёпа-*Кофирқалъа*), учинчи гуруҳ шаҳарлар Кушонлар даврида


(Зартепа, Будрач) фаолият юритган. Юнон манбаларида *Тармита*, хитой манбаларида *Тами* номлари билан келтирилган шаҳар кўҳна Термиз ёдгорлиги ўрнида фаолият юритган. Далварзинтепа ёдгорлиги Шимолий Тохаристоннинг антик даврига оид йирик шаҳар маркаларидан биридир. Манзилгоҳ мил.авв. III асрда шаклланиб, милодий III иккинчи ярмига қадар йирик маъмурий, иқтисодий ва ғоявий марказлардан бири сифатида фаолият юритади. Манзилгоҳнинг дастлабки шаклланган қисми Юнон-Тохаристон подшолиги даврида муҳофаа девори билан муҳофааланган арк пайдо бўлади. Кушонлар (I-III асрлар) шаҳар арки ниҳоятда мустаҳкамланиб, икки қатор муҳофаа девор билан мустаҳкамланган. Кушонлар даври йирик шаҳар марказлардан бири Зартепа ёдгорлиги ҳисобланади. Антик даврида Сурхон воҳасида шаҳар маданияти юксак даражада ривожланиб, йирик ижтимоий-иқтисоди ва маданий марказларга айланган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:


1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. “Маънавият” Т-2008 й
4. Альбаум Л.И. Некоторые результаты изучения Анхорский группы археологических памятников 1953-1954 гг. Т., 1955.
5. Альбаум Л.И. Городище Далварзин-тепе. Т., 1966.
6. Альбаум Л.И. Исследование Фаязтепе в 1973 г. //Бактрийской древности. Л., 1976.
7. Альбаум Л.И. Некоторые данные по изучению Анхорский группы археологических памятников (1948-1949 гг).- ТИИААН Уз ССР, VII, Т, 1955.
8. Аннаев Ж.Т., Аннаев Т.Дж., Бобоева С.М. Арал пайгамбар-остров пророка как важный стратегическийперевалочнр-торговый пункт бассейне Окса-Амударьи. // Ўзбекистон археологияси 2016 №1.-С. 111-120.
9. Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. Т.,1986.
10. Далварзинтепа шахристони. Токио. Юко Университети. 1996.
11. Жуков В.Д. Археологическая разведка на шахристане Хайрабадтепе. //ИМКУ № 2.Т., 1961.

12. Завьялов В.А. Зартепинский археологический комплекс
позднекушанского времени. //Античная культура Средней Азии и
Казахстана. ТД. Т., 1979
13. Зеймаль Е.В. Амударьинский клад. Л., 1979
14. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, “Шарқ”
нашриёти, 1998.
15. Культура Востока. М., 1927.
16. Массон М.Е. Находки фрагмента скульптурного карниза I в. н.э. //
Известия Узкомстариса. – Т., 1933.
17. Массон М.Е. Работы Термезской археологической комплексной
экспедиции (ТАКЭ) в 1937 и 1938 гг. Тр.ТАКЭ. Т.,1945
18. Массон М.Е. Скульптура Айртама // Искусство. – Т., 1935. - №2.
19. Пидаев Ш.Р. Эски Термиз. Т., 2002
20. Пидаев. Р.Ш. Сирли кушонлар салтанати. Тошкент. Фан. 1991.
21. Пугаченкова Г.А. К истории античной строительной техники Бактрии-
Тохаристана. СА. 1963.
22. Пугаченкова Г.А. Новое в изучении Далварзинтепе. СА. 1971.
23. Пугаченкова Г.А. Халчаян. -Т., 1966.
24. Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. и др. Далварзинтепа-Кушанский город
на юга Узбекистана. Т.,1978.
25. Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. и др. Далварзинтепа-Кушанский город
на юга Узбекистана. Т.,1978.
26. Ртвеладзе Э.В. Кушанская крепость Кампиртепа // ВДИ. -1984. -№ 3.
27. Сабиров К.С. Новые материалы к изучению укреплений кушанского
времени городища Хайрабадтепа //ИМКУ. -1981.
28. Сверчков Л.М. Курганзол – крепость Александра на юге Узбекистана.
Ташкент, 2013
29. Турғунов Б.А. Раскопки на Далварзин-тепе. М., 1985 г. С.39-43.
30. Яхшиев А. Шимолий Тохаристоннинг тарихи ва маданияти. Т.ф.н. дисс.
Т., 2002.

ИЛОВА



Шимолий Бактриянинг антик даври картаси




Эски Термиз режаси



Далварзин ёдгорлигининн режаси



Далварзинтепанинг арк кисми



Зартепанинг режаси